

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМАХМАТОВА ФЕРУЗА РУЗИБОЕВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛЛАРНИНГ  
АКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори  
проф. Д.С.Кулмаматов

**ТЕРМИЗ – 2011**

## Мундарижа

Кириш.....	3
<b>Биринчи боб.</b> Акционаллик тилшуносликнинг объекти сифатида .....	9
1.1 Инглиз тилида акционалликнинг ўрганилиши хусусида.....	11
1.2 Ўзбек тилида акционалликнинг ўрганилиши хусусида.....	20
1.3 Феълларнинг лексик-семантик таснифига доир.....	27
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	29
<b>Иккинчи боб.</b> Инглиз ва ўзбек тилларида феълларнинг акционал гуруҳланиши.....	31
2.1.1 Инглиз тилида чегараланган хусусиятли феъллар.....	34
2.1.2 Ўзбек тилида чегараланган хусусиятли феъллар.....	38
2.2.1 Инглиз тилида чегараланмаган хусусиятли феъллар.....	41
2.2.2 Ўзбек тилида чегараланмаган хусусиятли феъллар.....	44
2.3.1 Инглиз тилида икки акционал хусусиятли феъллар.....	48
2.3.2 Ўзбек тилида икки акционал хусусиятли феъллар.....	51
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	55
<b>Учинчи боб.</b> Инглиз ва ўзбек тилларида феълларнинг акционал тадқиқи.....	57
3.1 Инглиз ва ўзбек тилларида чегараланган хусусиятли феъллар типологияси.....	58
3.2 Инглиз ва ўзбек тилларида чегараланмаган хусусиятли феъллар типологияси.....	64
3.3 Инглиз ва ўзбек тилларида икки акционал хусусиятли феъллар типологияси.....	69
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	76
<b>Хулоса</b> .....	78
Илмий адабиётлар рўйхати.....	81
Луғатлар рўйхати.....	86
Бадий асарлар рўйхати.....	87

## Кириш

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини кўлга киритилиши халқимиз ижтимоий ҳаётининг бошқа соҳалари илм-фан ва маориф тараққиёти учун кенг имкониятлар яратиб берди. Айниқса, ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши, чет тилларни ўрганишга қизиқишнинг кучайиши, ёш талабаларга илм олиш учун барча шарт-шароитларнинг яратиб берилиши, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Хусусан, Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлис сессиясида (29 август, 1997) хорижий тилларнинг ўрганишнинг ўрни ва муҳимлигига асосий эътибор қаратган ҳолда, ” Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосидаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштирилиши зарур” лигини алоҳида таъкидлашларининг боиси ҳам шундадир [1, 35]. Бу фикрларнинг барчаси мамлакатимиз равнақида, айниқса, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури томонидан белгиланган вазифаларни амалга оширишда илм-фаннинг роли ва аҳамияти қанчалик юксак эканлигини кўрсатади. Бундай мақсад ва вазифаларни амалга оширишда бошқа фанлар билан бир қаторда тилшуносликнинг ҳам ўз ўрни бор. Зотан, тил азал-азалдан халқларнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий интеграцияси учун асосий восита вазифасини ўтаб келган.

И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат... Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлиги, бу бир табиий қонуният эканини исботлаб тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим” [2, 15]. Бугунги кунда тадқиқотчилардан танланган муаммоларнинг долзарблиги ва тадқиқ қилиш усуллари нуқтаи назарига кўра дунё тилшунослиги андозалари даражасида ҳамда миллий ўзига хос

бўлишини талаб қилади.

Юртимизда илм-фаннинг хусусан, қиёсий тилшуносликнинг ривожига А.А. Абдуазизов, Д.У.Ашурова, Г.Х.Боқиева, А.М.Бушуй, Д.С.Қулмаматов, П.Ў.Бакиров, А.Т.Ирискулов, А.Е.Маматов, И.К.Мирзаев, С.Рахимов, Б.Ҳ.Ризаев, Ш.С.Сафаров, Н.К.Турниёзов, Ў.К.Юсупов, О.Н.Шоматов каби олимларнинг хиссалари каттадир. Олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар ва чоп этилган дарслик қўлланмалар мамлакатимизда хорижий тилларни чуқур ўзлаштирда дастуруламал бўлиб келмоқда.

**Мавзунинг долзарблиги.** Акционаллик (чегараланганлик/чегараланмаганлик) ҳаракат оқими билан боғлиқ бўлиб, барча тилларга хос хусусиятлардан ҳисобланади. Тилшуносликда акционаллик лексик-семантик категория сифатида талқин қилинади ва феълнинг лексик-семантик маънолари асосида чегараланган/чегараланмаган тарзида гуруҳларга ажратилади. Баъзи олимлар феълларни акционал хусусиятларига кўра икки гуруҳга, яъни чегараланганлик/чегараланмаганлик гуруҳларига ажратиш тарафдорлари З.Вендлер (1967), Э.В.Махомина (1972), Б.М.Балин (1969), В.Д.Нефедов (1968), Ю.Канеко, Э.В.Петрухина (2004) бўлишса, И.П.Иванова (1961), С.Г.Андерсон (1972), В.М.Павлов (1984), Б.Ҳ.Ризаев (1999), Ғ.Қ.Мирсанов, Э.С. Рахмонкуловлар (2004) эса уч гуруҳга ажратишни таклиф этишади. Биринчи йўналиш тарафдорлари феълларни инфинитив шакли асосида таснифлаб, уларнинг контекст амалиётидаги аспектуал белгиларни ҳисобга олмайди. Мазкур тадқиқот ишимизда, иккинчи йўналиш тилшуносларининг фикрига қўшилган ҳолда, феълларни учта акционал гуруҳ (чегараланган, чегараланмаган, икки акционал хусусиятли)га ажратиш тарафдоримиз. Феълларни учта акционал гуруҳга ажратиш уларнинг семантик хусусиятларини тўлиқроқ очиб беришга хизмат қилади.

Бу ишимизда инглиз тилидаги феълларнинг акционал хусусиятларига эътибор қаратилиши, биринчидан, феъл лексемаларининг семантик жиҳатдан очилмаган қирраларини ёритишда муҳим бўлса, иккинчидан, инглиз ва ўзбек тилларидаги феълларнинг акционал хусусиятларини аниқлаш, икки

тилдаги ҳаракат ва ҳолат феълларининг акционал белгиларини қиёслаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инглиз тилшунослигида З.Вендлер, Веркюль, Б.Комрилар аспектология соҳасига катта ҳисса қўшган олимлар сифатида эътироф этилади. Ўзбек тилшунослиги бўйича Д.М.Насилов, Б.Ҳ.Ризаев, Ғ.Қ.Мирсановлар тадқиқот ишларини олиб боришган.

Феъллар лексик-семантик жиҳатдан инглиз тилида П.Ф.Монахов, Н.И.Мостовой, С.И.Жолобов, С.Г.Пшегусовлар томонидан таснифланган бўлса, ўзбек тилида С.Мухамедова, Р.Расулов, М.Содиқовалар томонидан амалга оширилган. Бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилган бўлсада, бизнинг ўрганиш объектимиз бўлган феълларнинг ҳаракат ва ҳолат феълларининг акционал хусусиятлари инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқот мақсади.** Инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳаракат ва ҳолат феълларининг яхлит акционал гуруҳларга тегишлилигини аниқлаш ҳамда ҳар бир акционал гуруҳга мансуб феълларнинг лексик-семантик маъноси асосида уларни акционал гуруҳларга ажратиш тадқиқотимизнинг мақсади ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Ушбу ишнинг олдида қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- инглиз тилидаги мавзуга оид ишларни тадқиқ қилиш орқали назарий қарашларини ўрганиб чиқиш ва уларни умумлаштирган ҳолда муносабат билдириш;
- инглиз ва ўзбек тилидаги ҳаракат ва ҳолат феълларининг лексик-семантик маъноларини аниқлаш;
- мавзу бўйича билдирилган илмий-назарий фикрлардан тегишли хулосалар қилиб, илмий жиҳатдан ёндашиш;
- инглиз ва ўзбек тилидаги ҳаракат, ҳолат феълларини акционал хусусиятларига кўра таснифлаш;

**Тадқиқот объекти** – инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феъллари.

**Тадқиқот предмети** - инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг акционал хусусиятларини аниқлаш ҳамда қиёслаш.

**Тадқиқот методи.** Мазкур тадқиқотимиз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишда функционал-семантик таҳлил, қиёсий- чоғиштирма типологик методлар асосида кузатиш ишлари олиб борилди.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

- акционаллик феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик маъноларини қамраб олади;
- инглиз тилидаги феъллар учта акционал (чегараланган, чегараланмаган, икки акционал хусусиятли феъллар) гуруҳга ажралади. Феълларнинг акционал маъноси лексик-семантик потенциалидан келиб чиққан ҳолда акционал фраза доирасида аниқланади. Икки акционал хусусиятли феълларнинг лексик-семантик имкониятида иккита қарама-қарши акционал хусусиятлар (чегараланганлик/чегараланмаганлик) мавжудлиги исботланади;

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:**

- ишда инглиз ва ўзбек тилида аспектологиянинг асосий ривожланиш босқичлари кузатилди ва унинг замонавий ҳолати комплекс тарзда таҳлил қилинди;
- инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг акционал хусусиятлари уларнинг лексик маъноси асосида аниқланди;
- аниқ фактик материаллар асосида инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феъллари чегараланган/чегараланмаган гуруҳларга бўлиниши тадқиқ этилди;
- инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳаракат ва ҳолат феъллари қиёсий таҳлил этилиб, фарқлари белгилаб берилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Мазкур ишда инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феъллари чегараланган, чегараланмаган, икки акционал хусусиятли феълларга гуруҳланди. Олиб

борилган лексик-семантик, қиёсий-типологик тадқиқ асосида инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг семантик ва лексик маъноларининг юзага чиқиш омилларига доир муаммолар ўрганилди. Шу асосда ҳолат, ҳаракат феъллари семантик ва акционал гуруҳларга ажратилди. Мазкур ҳол **натижаларнинг назарий аҳамияти**ни белгилайди. Тадқиқот асосида олинган натижалар инглиз ва ўзбек тилларидаги феълларга хос семантик тафовутларни ўрганишда муҳим **амалий аҳамиятга** эга.

**Тадқиқотнинг материали** сифатида инглиз тилида “Oxford Advanced Learner’s dictionary of Current English”, “Longman Dictionary of Contemporary English” изоҳли луғати ва “Ўзбек тилининг изоҳли луғат”ларида келтирилган ҳолат ва ҳаракат феълларига доир маълумотлар ҳамда замонавий инглиз ва ўзбек тилидаги бадиий адабиётлардан танлаб олинган (беш юзта) мисоллар асос қилиб олинди. Бу борада баъзи бир назарий қарашларнинг тўғрилигига аниқлик киритиш учун, қўшимча материал сифатида тадқиқотга жалб этилмаган тилларнинг материалларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Мавзунинг асосий моҳияти 2010 ва 2011- йилларда Самарқандда бўлиб ўтган “Тил тизими ва нутқий фаолият” ҳамда “Тил системаси ва ҳозирги замон лингводидактикаси” республика илмий-амалий анжумани материаллари тўпламида чоп этилган мақолаларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 88 саҳифани ташкил этади.

**Биринчи бобда** инглиз ва ўзбек тилларда акционаллик категорияси, унинг ўзига хос муаммолари ёритилган бўлиб, у уч бўлимдан ташкил топган. Биринчи бўлимда инглиз тилида акционаллик категорияси тўғрисидаги назарий фикрлар баён қилинган, иккинчи қисмда ўзбек ва туркий тиллардаги акционалликнинг ўрганилиши тўғрисида фикр юритилган. Учинчи бўлимда феълларнинг лексик-семантик таснифи ва бу соҳадаги фикрлар баён этилган.

**Иккинчи бобда** инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг акционал гуруҳлари аниқланади ва шу асосда акционал (чегараланган, чегараланмаган ва икки акционал хусусиятли) гуруҳлар ажратилади.

**Учинчи боби** инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг акционал гуруҳлари феълларнинг луҳавий маънолари ҳамда бадий асарлардан олинган гаплар мисолида таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, унда феълларнинг контекстда ифодалаган акционал хусусиятлари контекст доирасида аниқланди, қиёсий типологик таҳлил этилди.

Ишнинг якуний қисмида тадқиқот натижалари, хулосалар билдирилди.

## I- бoб. АКЦИОНАЛЛИК ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Акционаллик лексик-семантик категория ҳисобланиб, феъл семантикасига тегишли бўлган чегараланганлик, чегараланмаганлик ва лимитатив нейтраллик [40, 35] (ҳам чегараланганлик ҳам чегараланмаганлик) тушунчалари назарда тутилади ва грамматиканинг аспектология\* бўлимида ўрганилади.

Феълларнинг тус шакли грамматик категория сифатида кўпгина тилларда мавжуд. Лекин, тус грамматик категория сифатида бўлмаса-да, аспектуал маъноларнинг у ёки бу кўриниши барча тилларда бор. Шундай қилиб, туссиз аспектуаллик (аспектсиз аспектуаллик) кўпгина тилларда мавжуд бўлиб, манбаларда “акционаллик”, баъзиларида эса “акционсарт” деб номланади [27, 15]. “Акционаллик” тушунчаси Сигурд Агрелл томонидан киритилган бўлиб (акционсарт), у феъл семантикасининг турли туман гуруҳлаш ва таснифлашга асосланади. Акционалликнинг кейинги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг тадқиқотлари ҳам икки хил йўналишга ажралди, яъни феълнинг: 1) луғавий маънолари асосида таснифлаш (чегараланганлик/чегараланмаганлик)

[28]; 2) феълнинг турли бирикмаларда, текст таъсирида, объект аргументлари ёрдамида юзага келган семантик маъноларини таснифлаш назарда тутилади. Иккинчи тадқиқот йўналиши рус тилшунослигида ”способы действия” (харакат тарзи) тарзида тадқиқ этилади [7]. Биз мазкур магистрлик диссертациямизда биринчи йўналиш тадқиқотларига асосланамиз. Чунки, бу каби тадқиқот ҳар қандай тил системасида олиб борилиши мумкин.

Аспект ва акционсартни ўрганилиши узоқ тарихга эга. Жумладан, юнон файласуфи Аристотель биринчи бўлиб феълларни чегараланган/чегараланмаган гуруҳларга ажратган [9, 171-175]. Бу борадаги тадқиқотлар тахминан икки аср илгари тараққий эта бошлади. Аспект

---

\* лотинча aspectus-тус, грекча logos-сўз, таълимот.

тўғрисидаги умумий концепция замондан фарқланди ва етмиш беш йилдан сўнг бу концепция тор маънодаги аспект концепцияси ва кенгрок бўлган акционсарт категориясига ажралди. Бу жараён фақатгина бир илмий тадқиқот бирлашмасида содир бўлгани йўқ. Бу жараён икки бирлашма яъни славян тилшунослари ва герман тиллари тилшуносларининг турли муаммоларга дуч келишлари таъсирида содир бўлди. Замон, аспект ва акционсарт ўртасидаги фарқланиш Сигурд Агреллнинг илмий ишларидан келиб чиққан. У "акционсарт" тушунчасини ўзининг поляк тили феълларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишида аспект тушунчасига кўшимча сифатида ишлатади. Сигурд Агрелл (1908) биринчи бўлиб славян тилида аспект ва акционсарт ўртасидаги фарқни батафсил изоҳлаб берди [8, 35-36]. Сигурд Агреллнинг "аспект" ва "акционсарт"ни бир биридан фарқлаб бериши аспектологиянинг ривожланишини белгилаб берган бўлсада, бу унинг бир йўналишда ривожланишига кафолат бермаган эди. Кейинчалик аспекти ўрганиш герман ва славян оқимларига бўлинди. Агрелл бу икки оқимда ҳам изланишлар олиб борди ва бу икки оқим бир бирига ўзаро таъсир ўтказди. Шунга қарамаздан ҳар бир оқим ўзининг ўхшаш ва фарқли томонларига эга. Феълларнинг акционал хусусиятларини ўрганиш юқорида айтиб ўтганимиздек, узоқ тарихга эга ва у аспект концепцияси билан узвий боғлиқликда ўрганилган.

Герман тиллари аспект категорияси славян тиллари категорияси билан таққосланган. Турли хил аспектуал қарама қаршилиқлар (перфективлик ва ноперфективлик *perfectivity/imperfectivity*, тугалланганлик ва тугалланмаганлик *terminativity/aterminativity*, чегараланганлик ва чегараланмаганлик *telicity/atelicity* ва чеклилик ва чексизлик *boundless/unboundless* герман тилларида сўзлашувчилари томонидан сезилсада, бу механизм ҳақида тилшуносликка оид умумлаштириш қилиш учун оддий сабаб бўла олмайди. Баъзи олимлар славян тилидаги аспект тушунчасини герман тилларига кўчиришни хато деб ўйлайдилар. Бу қараш Зендворт (1962)нинг танқидий фикридан сўнг яна жонланди [78, 1-2] У "аспект- бу

инглиз тилида мавжуд бўлмаган концепция ” деган фикрга қарши чиқди. Умуман олганда, герман тилшунослари замон ва аспектиаллик ўртасидаги фарқланиш, турли хил тилда турли хил йўл билан ифодаланиши мумкин деган фикрга келишди ва герман тилларида аспектиалликни системали равишда ўрганишга қарор қилишди. Улар кўп ҳолларда Славян тиллари аспектиологиясидаги мавжуд бўлган концепцияларни қайта ишлашди. Аспект тўғрисидаги бинар қараш биринчи марта Агрелл томонидан (1908) аниқ белгилаб берилганлиги таъкидланган эди. У эса Якобсон томонидан мустаҳкамланди. Аспектиал жуфтлик тушунчаси ва акционсарт алоҳида қаралиши керак. Славян тилшуносларининг фикрича, перфект ва ноперфект аспект аспектиал жуфтликнинг мавжудлиги билан белгиланади. Бу жуфтликнинг ҳар бир жуфти бир феълнинг икки шакли ва улар бир хил лексик маънога эга деб қаралади. Албатта, ҳар қандай феълнинг перфект ва ноперфект шакли ўртасида семантик фарқ бор. Лекин бу семантик фарқ лексик фарқ сифатида қаралмайди. Агреллнинг аспект тўғрисидаги тор концепцияси ва акционсарт орасидаги фарқ аспектнинг ўзгариши феълнинг лексик маъносига таъсир қилмайди, аммо феълнинг акционсарт вариантыни ўзгартириш эса феълнинг лексик маъносининг ўзгаришига олиб келади деган фикр билан ўз ифодасини топади.

### **1.1 Инглиз тилида акционалликнинг ўрганилиши хусусида**

Инглиз тилида акционалликни ўрганилишида Дэвид Даутининг концепцияси муҳим ўрин тутди. Олимнинг концепцияси жуда кенгдир. У З.Вендлернинг феъл классификациясига аспектиал классификация сифатида қарайди [61, 147] Бу Агреллнинг аспект концепциясидан фарқ қилади. Аниқроғи, бу кенг тушунча акционсартга яқин бўлган замонавий тушунчадир. Ҳақиқатдан ҳам Дэвид Даути “аспект” деб атаган атама анъанавий тилшуносликда “акционсарт” деб аталди: у объектив, ўзгармас ва лексик тушунчадир. Айниқса Веркюль [73, 65] ва Крифкалар [65] герман

тилларидаги аспект тўғрисидаги фикрларини славян тилларига ҳам тадбик этишга ҳаракат қилдилар. Кейинроқ эса Филипп Ханна Крифканинг илмий ишларига таяниб [64] шу йўналишни давом эттирди. Аспектнинг икки компонентли таҳлилини амалга оширган Карлота Смитнинг ишлари ҳам феълларнинг акционал хусусиятларини ўрганишда катта аҳамиятга эга. У (1991) аспект ва акционаллик ўртасидаги фарқни эслатиб турувчи грамматик ва лексик аспект ўртасидаги фарқни изоҳлаб берди. Аммо, юқорида келтирилган аспект ва акционсартни фарқлаш борасидаги илмий қарашлар ҳалигача ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Таъкидланганидек, феълларнинг акционал хусусияти деганда, феъл семантикасига тегишли бўлган чегараланганлик, чегараланмаганлик ва лимитатив нейтраллик тушунчалари назарда тутилади. Чегараланганлик феълнинг лексик-семантик хусусияти бўлиб, феълнинг ички тугал чегарасининг мавжудлиги ҳисобланса, чегараланмаганлик деб, ўша ички чегаранинг йўқлиги тушунилади. Феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятлари уларнинг инфинитив шакли ва минимал фразида аниқланади [40, 20]. Ризаевнинг фикрича минимал фраза феълнинг инфинитив шаклига савол бериш тушунилади. (to go-қаерга, to walk- қаерда). Лимитатив нейтрал хусусиятли феъллар семантикасида эса ҳам чегараланганлик, ҳам чегараланмаганлик хусусиятларига эга бўлади. Ўз навбатида улар соф процесуаллик ифодалаш билан бирга минимал бирикма ҳосил қила олади, яъни семантикасига эга бўлади (to walk- қаерда, қаерга).

А.Б.Бондарконинг фикрича, акционаллик иш-ҳаракатнинг ички чегарасига нисбатан аспекттуаллик сатҳининг устувор белгисидир [12, 80].

Аспект тадқиқотчилари одатда ҳолат ва ҳаракатни ифодоловчи феълларни қарама-қарши қўйиш орқали тадқиқ этишади. Ушбу тадқиқотимиз жараёнида ҳам биз феълларни шу тарзда ўрганамиз. Ҳаракат ва ҳолатни таққослаб ўрганиш одатда икки гуруҳга оид феълларнинг

чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятларини таққослаш йўли орқали амалга оширилади.

Феълнинг акционаллиги кўпгина олимлар томонидан турли атамалар билан қўлланилади. Масалан, предикатнинг семантик тури [15], аспектуал синф (акционсарт), лексик тур [60], воқелик тури [64], феълнинг таксоманик категорияси [38], bounness-unboundness, telicity-atelicity, terminativity-unterminativity [58] ва бошқа атамалар юритилганлиги маълум. Феълнинг чегараланганлик ёки чегараланмаганлик категориясини қайси лексик, лексик-грамматик ёки синтактик сатҳда аниқлаш кераклиги хусусида ҳам фикрлар бир хил эмас. Масалан, Ю.С.Маслов чегараланганлик ёки чегараланмаганликни феъл семантикасига киритиб, ушбу мулоҳазани беради: “чегараланганлик, бу феъл семантикасига кириб, берилган ҳаракатнинг ўз табиатида кўзланган ички чегарасига йўналма ҳисобланади. Бунда ҳаракат бирон бир чегарага интилган бўлади ва ўша чегарага етиш натижасида тўхтади. Чегараланмаганлик эса ўша ички чегаранинг йўқлиги ҳисобланади” [28, 11].

Герман тилларидаги аспектуаллик ядро майдонини акционаллик (чегараланганлик ёки чегараланмаганлик) категорияси ташкил қилади [57, 14]. Хусусан, герман тилларида феъл ҳаракатининг чегарага етганлик (бош, якуний) тушунчаси билан боғлиқ аспектуал маъноларни фарқлаш, чегараланганлик ёки чегараланмаганлик ва ҳаракат тарзи маъноларини ҳамда, ўз навбатида, феъл лексемасининг семантикасидаги потенциал чегаранинг борлиги ёки йўқлигига қараб акционал гуруҳлаш кенг тус олган.

Умуман, акционал ва аспект маънолари чегара билан узвий боғлиқ. Мазкур ҳолат феълнинг лексик хусусияти ва унинг контекст таъсири доирасида фарқлаш орқали амалга оширилади. Б.Х.Ризаев ”акционал аспект” маъноларини умумлаштириш мақсадида “лимитативлик”<sup>\*</sup> атамасини қўллайди [42]. Б.Х.Ризаев аспектуаллик, акционаллик ва лимитативликни фарқлаб беради: ”Бир тарафлама “аспектуаллик” ва “акционаллик орасидаги фарқ ва

<sup>\*</sup> Бу термин (лотин тилидан limis-mites - чегара) биринчи бор Х.К.Серенсен томонидан 1962 йил киритилган.

бошқа тарафлама ”лимитативлик” фарқи шундаки, биринчиси аспект, акционал маъноларнинг сифатий ва миқдорий хусусиятларини қамраб олса, лимитативлик феъл ҳаракатининг потенциал ва реал чегараланганлик белгиларини бирлаштиради” [44, 35].

Феълнинг чегараланганлик ёки чегараланмаганлик каби акционал хусусиятлари контекстуал қўлланилишида процессуалликнинг ифодаланилишига ҳалақит бермайди. Процессуаллик ҳам аспектual вазиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Процессуаллик хусусида А.Б.Бондарко кўйидаги фикрни келтиради: “Процессуаллик, бу ҳаракатнинг динамикадаги ўрта фазасини вақт оқимида аниқлашдир” [13, 188]. Б.Х.Ризаев ҳам шу фикрга қўшилган ҳолда “процессуаллик - лексик маъноларнинг турли семантик элементи сифатида феълнинг категориал-грамматик хусусияти” деган мулоҳазани келтиради. Шу ўринда процессуаллик ва процесс ўртасидаги фарқни аниқлаш муҳим, деб ўйлаймиз. “Процесс” – бу ҳаракат, оқим, воқелик, ҳодиса, ҳолат бўлиб унинг бошланиши, оқими ва тугалланиш фазалари мавжуд. Процесс феълнинг категориал-грамматик маъноси ҳисобланади. Процессуаллик эса, феъл ёрдамида ифодаланадиган процесснинг оқими, яъни ҳаракатнинг ўрта фазаси деб тушунилади. Процессуаллик чегараланганлик ёки чегараланмаганлик хусусиятли феълларда ҳам мавжуд [43].

Феълларни урта акционал гуруҳга ажратиш феълларнинг процессуаллик семантикасини аниқлашда муҳим ўрин тутди. Бу йўналиш тадқиқотини инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларини тадқиқ этган Ғ.Қ. Мирсанов ишида ҳам кузатиш мумкин. У Б.Х.Ризаев таклиф этган феълларни урта акционал гуруҳга таснифлашга асосланади [31]. Процессуаллик билан боғлиқ энг муҳим аспектологик тушунчалардан бири, бу ҳаракат, жараённинг чегараланган ёки чегараланмаганлигидир.

С.Г.Татевосов “Акциональность в лексике и в грамматике“ мавзусидаги докторлик диссертациясида акционалликни предикатнинг семантик тури, феълнинг таксомоник тури, аспектual синф, акционсарт, аспектual тавсиф, ҳолат тури, воқеа тури (eventuality type), ҳаракат (action) каби турли хил

номлар билан аталувчи ва гап орасидаги фаркларда юзага чиқувчи семантик тавсиф деб таърифлайди [44, 3] У қуйидаги мисолларни келтириб, уларга қуйидагича изоҳ беради:

1) *John knows Russian* [atelic].

Жон Инглиз тилини билади.

2) *John walked in the garden* [atelic].

Жон боғда сайр қилди.

3) *John ate an apple* [telic].

Жон олмани еди.

4) *John reached the summit* [telic].

Жон чўққига етди.

Биринчи мисолда вақтнинг хоҳлаган пайтида ўзгармайдиган ҳолат тасвирланган. Иккинчи ва тўртинчи мисолларда эса вақт мобайнида ўзгариш бўлиши мумкин, яъни бу мисолларда динамик ҳолат кузатилган. Учинчи ва тўртинчи гапларда ҳолат энг юқори нуқтага ёки чегарага етади ва натижали ҳолатнинг юзага келиши тасвирланган, шунга мувофиқ “ олма ейилган” ва “Жон чўққида”. Натижали ҳолатнинг юзага келиши билан ҳаракат ҳам ниҳоясига етади.

Акционалликни турли йўллар билан аниқлаш мумкин. З.Вендлернинг [75] классификациясига кўра, бу тўртта мисол тўрт предикатни ифодалайди, З.Вендлер уларни фаолият (activities), амалга ошириш (accomplishments), натижа ( achievements) ҳолат (states), деб атайди. У фақат иш-ҳаракатни, жараёни ифодаловчи феълларни тўртта семантик гуруҳга ажратади: 1) Activities (durative, change - *atelic*)-фаолиятни ифодаловчи ёки «устувор жараёни» ифодалайдиган феъллар –ҳаракатнинг давомий йиғини ва унинг маълум вақтга боғлиқлиги – walk, swim, push; 2) Accomplishment (durative, change - *telic*) - маълум вақт жараёнида кўзда тутилган иш-ҳаракатнинг бажарилишини ва бу иш-ҳаракатнинг олдинги жараён орқали тайёрланганлигини ифодаловчи феъллар - paint a picture, build a house; 3) Achievement (non-durative, change - *telic*) - иш-ҳаракатнинг натижасини, унинг

аниқ бир муддатга боғлиқлигини, бирпасда содир бўлишини ифодаловчи феъллар – recognize, stop; 4) State (durative, no change - *atelic*) ҳолат давом этувчи жараённинг номаълум муддатда содир бўлажagini ифодаловчи феъллар- possess, know, love.

З.Вендлер таклиф қилган бу таснифда семантик гуруҳлар, уларни умумлаштирувчи айрим жиҳатларига эга бўлган ҳаракатнинг давомийлиги ва бажарилиш жараёнини ифодалайди, у вақт, муддат билан чегараланади. Айнан мана шу гуруҳлар Continuous шаклларида ишлатилиши билан ўзига хосдир. Шу билан биргаликда, бу икки гуруҳ (2,3) ўзлари бажарадиган ҳаракатнинг чегараланганлиги билан характерланади. Ҳолатни ифодаловчи феъллар ҳам (4) бошқа барча гуруҳ феълларидан чегараланмаганлиги билан фарқланишини таъминлайди [76, 217-234].

З.Вендлердан олдин ҳам Г.Райл [70] ва Ю.С.Маслов [26] ва бошқа тилшунос олимлар бу соҳада иш олиб борганлар. З.Вендлернинг илмий ишларидан олдин аспектual семантика ва феълнинг лексик маъносининг ўзаро таъсирини ўрганишда кўпгина ишлар қилинган бўлса-да, айнан унинг классификацияси кейинги илмий изланишлар учун таянч вазифасини бажарган. Бу каби тадқиқотларда тажриба қилинаётган қарашлар кўпинча З.Вендлернинг дастлабки фаразларидан фарқ қилади. Акционалликни феълнинг лексик маъносининг элементи сифатида кўриш тўғрилиги, турли хил акционал гуруҳларнинг хусусияти, бу гуруҳларнинг бир бири билан қандай муносабатда бўлиши, уларнинг босқичма босқич юзага келиши ёки бир биридан мустақил равишда шаклланаши каби саволларга жавоб беришда қарама-қаршилиқлар мавжуд.

Феълларни чегараланганлик/чегараланмаганлик гуруҳларга ажратиш борасида тадқиқотчилар муайян бир фикрга келмаганлар. Е.В.Махонина, Б.М.Балин, В.Д.Нефедов, Ю.Канеко, Е.В.Петрухина каби олимлар фақат икки, яъни чегараланганлик/чегараланмаганлик гуруҳларига таснифлашган бўлишса, И.П.Иванова, В.М.Павлов, Б.Х.Ризаев, Э.С. Раҳманкуловалар эса учта гуруҳга ажратишни таклиф этишади. Феълларни икки акционал

гурухлаш тарафдорлари сўзнинг инфинитив шаклини тасниф қилиш ва контекст амалиётидаги аспектуал белгиларни ҳисобга олмасликка ўз эътиборини қаратишади. Бу борада Б.М.Баллиннинг фикрини келтирамиз: “чегараланган феъл деб инфинитив шаклидаги, яъни контекст таъсирида бўлмаган, ўзининг лексик маъносидаги чегара (бош,якуний)га интилган феълларга нисбатан қўллаш мумкин”. [11, 56] Учта гурухга таснифлаш тарафдорлари эса сўз лексемасининг бутун семантик потенциалини, яъни ўша тилга тегишли “нутқ амалиётидаги барча турли-туман”ликни ўз ичига оладиган маъноларни ҳам киритишади. Ю.С. Маслов “чегараланганлик/чегараланмаганликни феъл лексемасига нисбатан қўллаш ноўрин, уни феълнинг қўлланилишидаги ҳар бир маънога қўллаш ўринлидир”, деб таъкидлайди [28, 50].

Немис тили феълларининг чегараланганлик/чегараланмаганлик категориясини аниқлашда В.М. Павлов “ҳаракатнинг объектив воқелигидаги чегараланганликка “трансформатив ҳаракат” ва ҳаракатнинг объектив воқеликдаги чегараланмаганликка “статал ҳаракат” атамаларини таклиф этади. Феълларнинг лексик маънолари учун эса чегараланганлик/чегараланмаганлик атамаларини сақлаб қолади. В.М. Павлов “трансформатив ҳаракат нутқдаги ифоданинг у ёки бу воситалари билан намоёиш этилиши мумкин”, деб тушунтиради [37, 51].

Феълларнинг бундай акционал гурухлашдаги ноаниқлик ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Масалан, немис тили материалига асосланган Э.С.Рахмонкулова феълларнинг чегараланганлик ёки чегараланмаганлик категориясини лексик ва грамматик сатҳда алоҳида талқин қилишни таклиф этишади. “Чегараланганлик лексик сатҳда терминативлик ёки терминативсизлик сатҳида қаралади. Терминативлик ёки терминативсизлик белгилари ҳаракатнинг (heterogen/homogeny) хетрогенлик ёки хомогенлик оппозицияси билан боғлиқ. Хомогенлик ҳолати (to sleep, to lie), ўзининг мавжудлик қисмидаги давомийликни, бир хилликни ифодалайди. Терминативсизликка лексик маънодаги ҳаракатнинг чегара кўрсаткичи йўқ

фeъллар киради. Чегараланганликда (хетрогенлик) грамматик сатхда бирор фeълнинг лексик маъноси ёки сўз ясаиш структурасига боғлиқ ҳолда бирор замондаги ҳаракатнинг амалда қўлланилиши (тугалланаганлик, натижавийлик, бир карралик, бошланганлик) тушунилади”[23, 20-21].

К.Тенни ўзининг интернетдаги маълумотида аспектиал маъноларни структура нуқтаи назардан талқин қилиб, уларга нисбатан “event structure” (вазият структураси) атамасини қўллайди. У аспектиал маъноларни гап структурасига кўра икки гуруҳга ажратади. Биринчиси темплатик (templatic) таҳлил бўлиб, фeълнинг умумий семантик структурасига хос бўлган ва темпоралликка асосланган аспект маънолар киради. Иккинчиси эса, М.Крифканинг хомоморфизм (homomorphism) “объектдан воқеавийликка” қарашларига асосланган бўлиб, аспектиал маъноларни аниқлашда объект (эга, тўлдирувчи, ҳол) нинг сифати, миқдори, ўлчов бирлигига эътибор қаратилади [66]. К.Тенни юриш-ҳаракат фeълларининг (motion verbs) аспектиал маъноларини таҳлил қилар экан, темплатик тупни “measuring out” ва объект билан алоқадорликда бўлган аспект маъноларига нисбатан “measuring scale” атамаларини қўллайди. “Measuring out” тури фeъл маъноларининг аспектиал ва темпорал элементларини ўз ичига олади. Бу элемент маъноси аспектиал бўлиб, бирор табиий тилдаги кесимнинг темпорал чегараланганлиги билан боғлиқ бўлган аспектиал хусусият ҳисобланади. Муаллиф келтирган мисолларга эътибор қаратамиз: *John walked to the bridge for five minutes/in five minutes.*

*Godfrey washed the floor for five minutes/in five minutes.*

*John ate a sandwich for five minutes/in five minutes.*

У “walked to the bridge”, “washed the floor”, “ate a sandwich” бирикмаларидаги ‘the bridge’, ‘the floor’, ‘a sandwich’ объектлари “measuring scale” бўлиб, ҳаракатнинг тугалланиш нуқтасини кўрсатади, шу сабабли чегараланган воқеавийлик мавжуд, деб таъкидлайди ва Dowty [61, 28] фикрига таяниб, ‘for five minutes’ чегараланмаганликни, ‘in five minutes’ чегараланган вазиятни билдиради, деб ёзади [72, 27].

Худди шунга ўхшаш фикрни С.Г.Татевосов ҳам билдиради. У феълнинг чегараланганлик ёки чегараланмаганлик хусусиятларини феъл семантикасида эмас, контекстдаги тўлдирувчи ёки ҳол билан боғлиқлигини таъкидлаб, шундай фикр юритади: “Тилларда на чегараланган на чегараланмаган феъллар мавжуд ва ҳолда чегараланганлик фақатгина феъл сатҳида юзага келиб, одатда пациенс, яъни асос орқали аниқланади”. Масалан: ‘to eat’. У саналмайдиган отли пациенс билан бирикиб келганда чегараланмаган: He ate soup for ten minutes/in ten minutes. Саналадиган отнинг бирлик шакли билан боғланганда чегараланган хусусиятга эга бўлади: : He ate an apple for ten minutes/in ten minutes” [45, 29]. К.Тенни ва С.Г.Татевосовлар феълларни икки гуруҳга ажратиш тарафдори сифатида феълларнинг чегараланган ёки чегараланмаган гуруҳга ажратмай, балки, умуман феълларнинг чегараланганлик ёки чегараланмаганликни предикат билан боғлайди: ”Чегараланмаган предикатларнинг хусусияти уларнинг аддитивлигидадир\*, бу хусусият процесс ва ҳолатга хосдир. Бундан ташқари, ҳолат ва процесс бўлинишга эга бўлиб, биринчидан, кучли маъно, иккинчидан, ҳолатнинг минимал квантини аниқлаш маъносида юзага келади. Бу муносабатда чегараланмаган феъл предикатлари икки хил, отли предикатга ноаниқ кўплик саналмайдиган синфларга мос тушади. Чегараланмаган предикатга чегараланган предикат мос қўйилади. Маълумки, иккинчиси биринчисидан фарқ қилади. Бу бир партиципant таъсирида сифатий ўзгарувчанлик юзага келиб, эрта ёки кеч ўз кулминациясига етиб тугайди. Чегараланган феъл предикатлари чегараланмаган предикатга қарама-қарши хусусиятга эга бўлиб, адиттив ва бўлинмаслиги билан фарқ қилади”, деган мулоҳаза келтиради [45, 123]. Бу каби талқин акционал ва аспект маъноларини умумлаштириб юборишга олиб келади ва феъл семантикасининг контекстда ифодаладиган аспектual маъноларни (бошланганлик, давомийлик, итеративлик ва ҳоказолар) очиб беришга хизмат қилмайди.

---

\* янгича маъно касб этиш.

Бу борадаги кейинги давр инглиз тилидаги феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятлари билан боғлиқ ишларга [64], [69], [59] назар ташлайдиган бўлсак, уларда чегараланганлик (telicity), чегараланмаганлик (atelicity) тушунчалари таҳлилини бутун гап ёки контекстдаги барча воситалари, яъни аргументларнинг морфологик кўрсаткичларига асосланган ҳолда тадқиқ этиш хусусида фикр юритилади. Уларнинг қарашларидан фарқли ўлароқ, биз чегараланганлик ёки чегараланмаганликни феъл семантикасида таҳлил қиламиз. Улар telicity ва atelicity каби тушунчалар таҳлилида биз кўриб чиқадиган аспект маъноларини назарда тутишган.

Демак, феълларни урта акционал гуруҳга ажратиш, улардаги лексик-семантик хусусиятларни тўлиқ очиб беради, контекст амалиётидаги аспект маъноларининг ёритилишига ёрдам беради ва феълларни акционал фарқлашдаги баъзи ноаниқликларни олдини олади.

## 1.2 Ўзбек тилида акционалликнинг ўрганилиши хусусида

Ўзбек тилшунослигида феъл категорияси А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, Ш.Шукуров каби атоқли олимлар томонидан чуқур тадқиқ қилинган. Ўзбек тили лексикасидаги семантик макромайдонларни ўрганишда И.Қўчқортоев, Р.Расулов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ҳ.Неъматов, М.Нарзиева, С.Ғойибов, О.Бозоров, Ш.Искандарова, Р.Сафарова, А.Собиров, Ў.Шарипова, Н.Нишонова каби олимларнинг хизматлари катта. Ўзбек тилшунослигида ҳаракат феълларининг айрим жиҳатлари Қ.Холиқов, М.Содиқова, М.Оразовлар томонидан тадқиқ этилган. Ушбу ишларнинг барчасида айрим ҳаракат феълларининг морфологик, стилистик ва қисман семантик хусусиятлари ўрганилган.

Туркий тилларда ҳаракат феълларини К. Холиқов, Р.Д. Лизунова, М. Содиқова, С. Муҳамедова каби тилшунослар тадқиқ этишган. Бу йўналишда

салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, бизнинг ўрганиш объектимиз бўлган ўзбек тилида феълларнинг акционал хусусиятлари ҳалигача атрофлича тадқиқ этилмаган. Ғ.Мирсанов “Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал ва аспектуал хусусиятлари ” мавзусидаги номзодлик диссертациясида инглиз ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларининг акционал семантикаси асосида контекстда ифодаланадиган аспектуал вазиятларнинг қиёсий-типологик таҳлилини биринчи бор амалга оширди. У феълларнинг акционал хусусиятларини аниқлаб, уларни акционал гуруҳларга ажратишга эътиборини қаратди. Тадқиқотчи, жумладан, ўзбек тилидаги чегараланганлик хусусиятга эга феъллари қуйидагича кўриниш олиши мумкинлигини таъкидлади: 1) юриш-ҳаракат феълларидан: а) сўзловчи ёки объектга йўналган феъллари ‘келмоқ’, ‘кирмоқ’, ‘яқинлашмоқ’, ‘етмоқ’, ‘қайтмоқ’, ‘чиқмоқ’, ‘кирмоқ’ ва бқ.; б) объектдан «узоқлашиш» маъносини ифодаловчи юриш-ҳаракат феъллари ‘кетмоқ’, ‘жўнамоқ’, ‘бормоқ’, ‘чиқмоқ’, ‘чекинмоқ’, ‘узоқлашмоқ’, ‘йироқлашмоқ’ ва ‘йўлга тушмоқ’, ‘йўлга чиқмоқ’, ‘йўл олмоқ’ кўшма феъллари; в) объектдан «ўтиш» маъноли феъллар ‘ўтмоқ’, ‘ошмоқ’ ва бқ.; 2) объектга таъсир этиш маъноли феъллар: а) *тешмоқ, синдирмоқ, майдаламоқ* ва бқ. б) *йиғмоқ, тўпламоқ* ва ҳк.; 3) нутқ фаолияти феъллари; *айтмоқ, демоқ* ва бқ. Бу феълларининг семантик қўлланилишида ички чегара (чегарага интиланлик, тугал нуқтага интиланлик) мавжудлигини айтиб ўтди.

Унинг фикрича, чегараланмаган хусусиятли феъллар чегараланган хусусиятли ва лимитатив нейтрал феълларидан ўзларининг якуний нуқтаси йўқлиги ва билан ажралиб туради. Чегараланмаган хусусиятли феълларга: 1) а) субъектнинг юриш ҳаракат усулини билдирадиган *судралмоқ, кезмоқ, дайдимок, тентирамоқ, пилдирамоқ, санқимоқ, дингилламоқ, изғимоқ, лапангламоқ, луккилламоқ*; б) субъектнинг макондаги мақсадсиз ҳаракатини билдирадиган *кезмоқ, дайдимок, тентирамоқ, санқимоқ* феъллари; 2) нутқ фаолияти феъллари *гапирмоқ, сўзламоқ, вайсамоқ* ва ҳк.; 3) ҳолат феъллари: *ухламоқ, ўйламоқ* феълларини киритди.

Лимитатив нейтрал феъллар гуруҳига эса: 1) а) субъектнинг макондаги харакати ва йўналма феъллари ‘юрмоқ’, ‘сузмоқ’, ‘бормоқ, учмоқ; б) интенсив харакатни билдирувчи ‘чопмоқ’, ‘югурмоқ’ феъллари: 2) ҳолат феъллари *ётмоқ, турмоқ* феъллари киритди.

Ғ.Мирсанов ўзбек тилидаги феълларнинг акционал хусусияти грамматик шаклга ҳам таъсир этишини аниқлади ва чегараланмаган хусусиятли юриш-харакат феъллари морфологик баҳсда аналитик шакл ҳосил қила олишмайди, улар гапда фақатгина равишдош вазифасида субъект харакати тарзини ифодалаб келишади деган хулосага келди. Масалан: *Дадам пўрим шимнинг почасини қайириб ҳандақ ичида пилдираб юради* (Ў.Ҳошим. 53). *Кенг, оппоқ сури яктагининг баргларини, офтобда ҳаллослаган товуқ қанотлари сингари икки ёққа ёйиб, секин-секин лапанглаб борди* (М. Исм. 146). Ғ.Мирсанов феълларнинг акционал хусусияти барча лексик гуруҳ феълларининг грамматик қурилишга ҳар доим ҳам таъсир этмасида, феъл семантикасини ёритишда, феълларнинг аспектual маъноларини ёритишда ва баъзан аналитик шаклларни ҳосил бўлишида муҳим ўрин тутиши мумкин деб таъкидлайди [31].

Туркологияда ҳам феълларнинг акционал хусусиятлари борасида кўп ишлар бажарилган. Туркий тилларда аспектual ҳодисаларни тадқиқ этишга Л. Юхонсон, Л. Шёниг, А.А. Юлдашев, А.Н. Кононов, С.А. Аманжолов, Б.А. Серебренников, П.И. Кузнецов, Ф.А. Ганиев, А. Ҳожиев, Н. Оралбаева, Р. Газизов, Г. Гузев, А.Н. Тихонов, Д.М. Насилов ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Етакчи ва кўмакчи феъл муносабатларнинг йиғиндиси натижасида юзага келадиган аспект ҳодисаларини аниқлаш ушбу олимларнинг тадқиқот марказида бўлди. Рус тили грамматикасидан бевосита андоза олиниб, унинг қолипи ўзбек тили моделларига татбиқ этила бошланганлиги Г. Шариповнинг 1945 йилда нашр этилган “Ҳозирги замон ўзбек тилида феълнинг вид категорияси” мавзусидаги номзодлик ишида яққол кўзга ташланади. У ўзбек тилида феълнинг бошланғич, давомли ва тугалланган видлари (туслари) борлигини исбот этишга ҳаракат қилган.

Шундай қилиб, тус (вид) категорияси славян тилларига хос асосий грамматик кўрсаткичлардан бўлиб, бу лингвистик ҳодиса ҳатто ҳинд-европа тиллар оиласининг бошқа туркум тилларида ҳам тўлақонли шаклланмаган. Аммо “нославян тилларда аспектология доирасида феъл шаклларининг турли семантик хусусияти, ҳаракат тарзи ва уларнинг сўз ясаши билан боғлиқ ҳар хил синтактик конструкцияларнинг талқинида вужудга келадиган лексик-семантик абстракция, чегараланганлик/чегараланмаганликни аниқлаш” кенг тус олди [11, 110].

Умуман, туркийшуносликда энг биринчи бўлиб Ф.А. Ғаниев татар тилидаги таркибли (сложновербал) феъл конструкцияларидаги феълларга ҳаракат тарзи категориясини киритади. Шунингдек, муаллиф ўз монографиясида чегараланганлик, чегараланмаганлик тушунчаларини кенг кўллайди. У ушбу ҳодисаларни татар тилидаги лексик-семантик ҳодиса деб қарайди. Ф.А. Ғаниев аналитик шаклларни (А.А. Юлдашев томонидан киритилган) таҳлил қилар экан, қуйидаги фикрни келтиради: “Таркибли феълнинг чегараланганлик/чегараланмаганлиги кўмакчи феълга боғлиқ, агарда кўмакчи феъл чегараланган бўлса, таркибли феъл ҳам чегараланган, агарда кўмакчи феъл чегараланмаган бўлса, таркибли феъл ҳам чегараланмаган” деган хулосага келади [19, 377-382].

Бу борада замонавий тилшуносликнинг аспектология соҳасида феълларни чегараланганлик/чегараланмаганлик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш германистикада юксак илмий салоҳият касб этмоқда. Туркологияда ҳам тадқиқотларнинг марказида равишдош шаклидаги етакчи феъл ва кўмакчи феълдан иборат бирикмалар англатадиган маъноларни аспектиал нуқтаи назардан ўрганиш кенг тус олди. Шу ерда А.А. Холодовичнинг феълларни чегараланганлик/чегараланмаганлик гуруҳларга ажратиш универсал, тиллараро бўлиши керак, деган фикри тўғри деб ўйлаймиз [47, 138-139]. Чунки туркий тилларда тўла синтетик-грамматик шаклланган тус категорияси йўқ эканлиги эътироф этилган. Унга хос лексик-семантик ва

грамматик маъноларни аналитик феъл шакллари ифодалашига алоҳида эътибор қаратиш истиқболли бўлиб чиқди.

Ўзбек тилида феълнинг ҳаракат тарзи ана шундай аспектиал аҳамиятга эга бўлган лингвистик ҳодисадир. Феълнинг ҳаракат тарзи [49] грамматик (морфологик) тус категориясига мансуб бўла олмаслиги юқоридаги мулоҳазалардан сўнг ўз-ўзидан аён бўлади. Бироқ функционал-семантик нуқтаи назардан қараганда, ҳаракат тарзи аспектиаллик доирасига киритилади ҳамда соф аспект билан акционаллик (Aktionsart) фарқланади. В. Г. Гузев ўзининг “Феъл” номли монографиясида аспектиал маънолар, авваламбор, тус (хусусий аспект-собственный аспект) ва сўнгра акционал маъноларга ажратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди [20, 132].

Шундай қилиб, кенг маънодаги аспектиал маъноларнинг икки кўриниши фарқланиши лозим: 1) аспект (вид) ҳаракатнинг сўзловчи тасаввурида қандай кечишини турли хил усулларда ифодалашга хизмат қилади ва 2) акционсарт(акционал)лик ҳаракат жараёнига объектив хос бўлган сифатий ёки миқдорий аниқ хусусиятларни акс эттирадиган грамматик маъноларни ифодалашга хизмат қилади. В. Гузев фикрича, аспект ва акционал маънолар бир умумий аспектиал маънога бирлашади. У ўз тадқиқотларида турк тилларидаги қўшма феъл (сложновербал) шаклларида аспектиаллик категориясини тадқиқ этишда субъективлик, объективлик тус ва акционсарт (акционал) маънолари доирасида турк тили қўшма феълларини тадқиқ қилиш истиқболли, деган хулосага келади [20, 9]. Д.М. Насилов ўзининг “Туркий тиллар аспектиологияси муаммолари. Акционаллик” монографиясида аспект ва акционаллик ягона грамматик аспект категориясига кирадиган ички хусусий ҳодисалар эканлигини исботловчи лингвистик далиллар кўплаб келтирилган [36].

Туркийшунос Д.М. Насилов кўмакчи феъллар кўшилмасида 1) “ҳаракатнинг фазавий таснифи” берилиши, 2) “бошқа тиллардаги вид категорияси маъноларига ўхшаб кетадиган” ҳаракат тарзи маъноларининг ифодаланишини кўрсатиб ўтган эди [34, 32-52]. Кейинчалик Н.И. Ашморин,

С.А. Амонжолов, А. Н. Кононов, Б. А. Серебренников, П. И. Кузнецов, Ф.А. Ганиев, Д. Г. Тумашева, А.Н. Тихонов, А. Ҳожиев, Н. Оролбоева, А. Юхонсон каби туркологлар бу илмий ғояни ривожлантирдилар. Д.М. Насилов, В.Г. Гузев, Ҳ. Неъматов, О.У. Шукуров ва бошқалар масалага функционал-семантик ёндашув асосида аспектология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бордилар.

Тил ҳодисаларига нисбатан функционал-семантик ёндашув лексик ва морфологик ярусларнинг муносабатини ўрганиш кўламига ўтиш демакдир. Шунинг учун ҳам қайси тилда бўлмасин, феълнинг лексик маъноси, унинг чегараланганлик/чегараланмаганлик белгилари маълум лексик-семантик гуруҳга мансублиги билан ҳосил бўлган грамматик шаклларнинг алоқадорлигини аниқлаш масаласининг қўйилиши тасодифий эмас. Тилнинг грамматик категорияларида юзага чиқадиган грамматик имконияти лексик семантикада денотатив маънолар билан категориал-грамматик маънолар бирлигида белгилаб қўйилгандир. “Феъллик тавсифи (яъни лексик маъно) тус ёки даражаларга нисбатан олинганда ўз-ўзидан ҳаракат эгаллаган вақтнинг каттароқ ёки кичикроқ кўламни ифодалаш бошқа хил ҳаракатдан фарқ қилишини кўрсатиш мумкин”, деб ёзади А.А. Потенбня [39, 19]. Бу феъл семантикасидаги тушунчавий қатлам бўлиб, ҳаракатнинг аниқ “мазмунини” кўрсатади. А.М. Ломов акционал қатлам ҳаракатнинг замон мобайнида кечишининг умумий хусусиятларини, бу ҳаракат қандай амалга ошишини, қандай бошланиши ёки унинг қандай ҳаракатлигини ва қандай натижага олиб келишини аниқлашга хизмат қилиши ҳақида фикр юритади [25, 21].

Туркий тилларда аспектуал ҳодисаларни аниқлашда Д.М. Насилов куйидаги фикрни келтиради: “Тус-замон шаклларини аспектуал семантика эгаси деб тан оладиган бўлсак, акционал семантика сифатида эса мураккаб феъл шакллари, аффикслар ва редупликатив шакллар ҳисобланади. Кўмакчи феъллар эса конкрет лексема билан бирикиб феъл аналитик шаклларининг индивидуал лексик маъносини, яъни акционал турнинг “денотатив” маъносини аниқлайди” [36, 121]. Бизнингча, акционал семантика феълнинг

чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятлари бўлиб, бу маънолар феълнинг лексик семантикаси билан боғлиқдир. Аспектуал семантика талқинида контекст доирасида ифодаланадиган аспектуал вазиятларни тушунамиз. Хусусан, ўзбек тилидаги феълнинг аналитик шакллари англатадиган маънолар тўғрисида А. Ғуломов ҳам тўхталади. Муаллиф ўзининг “Феъл” монографиясида “Етакчи феъллар ўз лексик маъносини сақлайди, кўмакчи феъллар эса уларга кўшимча маънолар беради, бу маънолар ундаги белгиларнинг модификациясини ифодалайди”, деган изоҳни берган ҳолда, аналитик шаклларнинг тус маъноларини беришини айтиб ўтади [55, 76-77]. А. Ҳожиев эса феълнинг аналитик шаклларида тус категориясининг мавжудлигини қатъиян инкор этиб, бу бирикмаларни ўзига хос грамматик ҳодиса сифатида, кўмакчи феълларни морфологик баҳсда ўрганиш кераклигини таъкидлайди [56, 76]. Албатта, юқорида келтирилган тилшунос олимларнинг фикрига таянган ҳолда, ўзбек тилидаги аналитик шакллардаги етакчи ва кўмакчи феъллардаги акционал хусусиятларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг бирикиши натижасида пайдо бўладиган аспектуал вазиятларни аниқлаш нафақат ўзбек, балки туркий тиллардаги аспектуал маъноларни ёритишда ҳам муҳим ўрин тутиши мумкин.

Бу каби аспектуал маъноларнинг қиёсий типологик тарзда амалга оширилишида эса, аспектуал маъноларни кенг талқин қилиш уларнинг унверсал ҳодиса сифатида қаралиши мумкинлиги ойдинлашади.

Она тили ва ўрганилаётган тилни назарий жиҳатдан чоғиштириш ўша чоғиштирилаётган тиллардаги ўхшаш ва ноўхшашликни аниқлаш билан бирга шу ўхшаш ва ноўхшашликнинг сабабларини аниқлаш, она тили ва ўрганилаётган тил тузилишини чуқурроқ англаш имконини беради [51, 26]. Шундай экан, инглиз ва ўзбек тилларидаги феълнинг акционал семантикасини ҳамда аспектуал маъноларини илмий ўрганиш иккала тилдаги феълларнинг ўзига хос семантик хусусиятларини ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам “Функционал-семантик категорияни типологик тадқиқотларда қўллаш, қиёсий типологияда маълум бир самара

бериши мумкин” деб ёзади Ж. Бўронов [16, 108]. Муайян тил оиласига тегишли бўлган ва бўлмаган тиллар системасидаги турли тил ярусларини чоғиштириб тадқиқ қилиш кейинги юз йилликда кенг тус олганлигининг боиси ҳам шундадир.

Умуман, тузилиши жиҳатдан қардош бўлган ва бўлмаган тилларни қиёсий типологик тадқиқ қилиш ҳам назарий ҳам амалий нуқтаи назардан аҳамиятли ҳисобланади. Зеро, бундай тадқиқотлар тил тараққиётининг умумий ва ўзига хос анъаналарини аниқлаш имконини беради. Қиёсий типология бир тилда маълум грамматик шакллар орқали ифодаланган маъно иккинчи бир тилда қандай воситалар асосида ифодаланиши, ушбу чоғиштирилаётган тиллардаги тил бирикмаларининг маъно кўлами жиҳатдан мос келиши-келмаслигини аниқлаш учун ҳам ёрдам беради [54, 13].

### 1.3 Феълларнинг лексик-семантик таснифи хусусида

Феълларнинг акционал гуруҳларга ажратилиши бевосита феълларнинг лексик-семантик гуруҳларга таснифланиши доирасида олиб борилиши, акционал гуруҳларни аниқлашга ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Жумладан, феълларни лексик-семантик синфларга таснифлаш кўпгина тилларда ўрганилган [32], [33].

Биз ҳам феълларни акционал гуруҳларга ажратишда мазкур тадқиқот усулига таянамиз. Ишга бу каби ёндашишимиз акционал гуруҳларга аниқлик киритишга ва уларни таснифлашга ёрдам беради.

Феълларнинг лексик-семантик таснифи борасида турли хил қарашлар ва фикрлар мавжуд. Одатда тадқиқотчилар феълларни лексик-семантик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлишади:

1. Юриш-ҳаракат феъллари: *юрмоқ, югурмоқ, чиқмоқ, бормоқ, қимирламоқ, елмоқ, судралмоқ, сакрамоқ, учмоқ, ўтмоқ* ва ҳ.
2. Нутқ феъллари: *гапирмоқ, пичирламоқ, демоқ, сўрамоқ, ялинмоқ, ўтинмоқ, ёлвормоқ, бақирмоқ, айтмоқ* ва ҳ.

3. Тафаккур феъллари: *ўйламоқ, фикрламоқ, ҳаёл қилмоқ, тасаввур қилмоқ, ҳукм чиқармоқ, ўйга ботмоқ, гавдалантирмоқ, фикр қилмоқ* ва ҳ.
4. Натижали фаолият феъллари: *чизмоқ, ёзмоқ, ясамоқ, қурмоқ, яратмоқ, бино қилмоқ, асос солмоқ, бўямоқ, тозаламоқ, йиғмоқ, емоқ, артмоқ, ўчирмоқ, нобуд қилмоқ* ва ҳ.
5. Ҳолат феъллари: *ухламоқ, кулмоқ, йиғламоқ, тиржаймоқ, дам олмоқ, шошмоқ, исимоқ, қизармоқ, семирмоқ, шишмоқ, ранжимоқ, хурсанд бўлмоқ, хандон урмоқ, шод бўлмоқ, оғринмоқ, даҳшатланмоқ* ва ҳ.

Айрим манбаларда феъллар лексик-семантик жиҳатдан тўрт гуруҳга бўлинади: 1) нутқий фаолият феъллари; 2) ақлий фаолият феъллари; 3) жисмоний фаолият феъллари; 4) ҳолат феъллари.

О.С.Ахманованинг ”Словарь лингвистических терминов” (Тилшунослик атамалари) луғатида қуйидаги феъл гуруҳлари келтирилган: Ҳаракат феъллари, хошиш-истак феъллари, тугалланган ҳаракат феъллари, тафаккур феъллари, тугалланмаган ҳаракат феъллари, биргаликда бажариладиган ҳаракат феъллари, ҳолат феъллари, итератив ёки такрорланадиган феъллар ва тақлид товуш феъллари [79, 125].

Бундан ташқари, феъллар аспектуну нуктаи назардан ҳам гуруҳланади. Жумладан, О.Есперсен семантик тамойилга асосланган ҳолда турли тилларда учрайдиган ва ягона умумий қоидага бўйсунмайдиган феълларнинг етти хил турини фарқлайди: 1) аорист ва имперфект; 2) феъл маъносининг конклюдивлиги ёки конклюдив бўлмаганлиги; 3) тугалланганлиги ёки тугалланмаганлиги; 4) кўп марталилик ёки бир марталик иш ҳаракатнинг ифодаланиши; 5) давомийлик ёки бир зумда содир бўлиши; 6) назарда тутилган ёки тутилмаган натижанинг ифодаланиши; давомийлиги ёки ўзгарувчанлик кабилар [21, 359].

Таъкидланганидек, феъллар лексик-семантик жиҳатдан турлича гуруҳларга таснифланади, аммо биз улардан энг асосийлари ҳаракат (dynamic) ва ҳолат (stative) феълларини тадқиқот объекти сифатида оламиз. Ушбу феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаган хусусиятларини

мақсадида изоҳли луғатларга мурожаат қиламиз ва асосан денотатив маъноларига эътибор қаратамиз.

### **Биринчи боб бўйича хулосалар**

Герман тилларидаги аспектуаллик ядро майдонини акционаллик (чегараланганлик ёки чегараланмаганлик) категорияси ташкил қилади, хусусан герман тилларида феъл харакатининг чегарага етганлик (бош, якуний) тушунчаси билин боғлиқ аспектуал маъноларни фарқлаш, чегараланганлик ёки чегараланмаганлик ва ҳаракат тарзи маъноларини ҳамда ўз навбатида феъл лексемасининг семантикасидаги потенциал чегаранинг борлиги ёки йўқлигига қараб акционал гуруҳлар кенг тус олган.

Феълларнинг акционал хусусияти деганда, феъл семантикасига тегишли бўлган чегараланганлик, чегараланмаганлик ва лимитатив нейтраллик тушунчалари назарда тутилади. Чегараланганлик феълнинг лексик-семантик хусусияти бўлиб, феълнинг ички тугал чегарасининг мавжудлиги ҳисобланса, чегараланмаганлик деб, ўша ички чегаранинг йўқлиги тушунилади.

Феълларнинг акционал хусусиятларини тадқиқ қилиш борасида икки асосий йўналиш муҳим аҳамиятга эга: 1) луғавий маънолари асосида таснифлаш (чегараланганлик/чегараланмаганлик) 2) феълнинг турли бирикмаларда, текст таъсирида, объект аргументлари ёрдамида юзага келган семантик маъноларини таснифлаш.

Инглиз тилида феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятларини ўрганишда асосий эътибор феъл предикати, объект аргументлари ва контекстга қаратилади. Кейинги давр инглиз тили аспектологияси билан шуғулланувчи тадқиқотчиларининг кўпчилиги аспектуал маъноларни бутун гап структурасида, яъни эга, кесим, тўлдирувчи, ҳолни ифодаловчи воситаларда ҳам аспекти аниқловчи хусусиятлар мавжуд деб таъкидлайди.

Туркий тилларда эса аспектуал маънолар функционал-семантик категория нуқтаи-назардан талқин қилинади ва феъл шаклларидаги турли тус

маъноларини ўрганишда феълнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятлари эътиборга олинади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги феълларнинг акционал хусусиятларини қиёслаш ушбу тиллардаги аспектуал белгиларнинг ўзига хос ифодаланиш усуллари ва фарқли томонларини ёритишга ёрдам беради.

## **I – боб. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛЛАРНИНГ АКЦИОНАЛ ГУРУҲЛАНИШИ**

Феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик тушунчаси борасида тилшунос олимларнинг турлича қарашлари мавжудлиги таъкидланган эди. Масалан, З.Вендлер бирор феълда ҳаракатнинг тугалланиш маъноси мавжудлигини чегараланганлик деб ҳисоблайди [76, 217-234]. А.В. Бондарко эса “ҳаракатнинг ички чегарага бўлган муносабати аспектuali майдондаги доминант белгини намойиш этади” [12, 80] деган фикрни билдиради. И. П. Иванованинг фикрича чегараланган феъллар тугалланиш фазасига етишга интилган ва тугал нуқтага етиш натижасида ҳаракатнинг тўхташи тушунилади [22, 64]. Б.М. Балин эса “чегараланган феъллар аспектoлогик контекстнинг компонент фигураси бўлиб, фақатгина мавжуд объектга тарқалган ҳаракатни англатади” [11, 81-82], деб изоҳлайди. Демак, чегараланганлик феълнинг лексик-семантик хусусияти бўлиб, феълнинг ички тугал чегарасининг мавжудлиги билан чегараланмаган феъллардан фарқ қилади. Ички чегара дейилганда, феъл лексемасининг ўзида мавжуд бўлган ҳаракатнинг бошланиши ёки тугал нуқтага интилиши назарда тутилади.

Кўпгина тилларнинг феъл системасида чегарага эга бўлган ва чегарага эга бўлмаган феъллар ўртасида фарқланиш мавжуд. Чегараланган феъллар ифода этаётган иш-ҳаракат чегарани ёки вақтга боғлиқ бўлган чегара (temporal boundary)ни ифода этади. Чегараланмаган феълларда эса чегара мавжуд эмас, иш-ҳаракат чексиз давом этиши мумкин. Феълларни чегараланган/чегараланмаган синфларга ажратиш борасида кўпгина таснифлар таклиф қилинди. Рус тилшуноси Ю.С.Маслов феълларнинг акционал хусусиятларига қуйидагича таъриф беради: “Феъл лексемасига нисбатан чегараланганлик/чегараланмаганлик тушунчаларини қўллаш тўғри бўлмайди. Феълларнинг акционал хусусиятини белгилашда феълларнинг барча лексик-семантик хусусиятларини инобатга олиш зарур ” [27, 50]. С.Г.Татевосов ҳам

шунга яқин фикрни келтиради: “Феълларнинг акционсарт (чегараланганлик/чегараланмаганлик) маънолари морфо-синтактик курилмаларида юзага чиқади, шунинг учун ҳам феълларнинг акционал хусусиятларини тўғри белгилаш учун феълнинг семантик маъноси ва гапнинг бошқа компонентлари ўртасидаги боғлиқлик тушунтирилиши керак”: *He ate soup for ten minutes/ in ten minutes. He ate an apple in ten minutes/for ten minutes.* С.Г.Татевосов ғарб тилшунослари фикрига қўшилиб, феълларнинг акционал хусусиятлари аргументнинг кўплик ёки бирлигига ёки бўлмаса ҳаракатнинг давомийлигини ифодоловчи вақт кўрсаткичига боғлиқ деб таъкидлайди. [45].

3.Вендлер чегараланган хусусиятли феълларни иккига ажратади: Accomplishments - маълум вақт жараёнида кўзда тутилган иш-ҳаракатнинг бажарилишини ва бу иш-ҳаракатнинг олдинги жараён орқали тайёрланганлигини ифодоловчи феъллар (*deliver*) ва Achievements-ҳаракатнинг натижасини, унинг аниқ бир муддатга боғлиқлигини, бир пасда содир бўлишини ифодоловчи феъллар (*recognize, stop, explode*). Феъллар ва феъл бирикмалари ўртасидаги бундай фарқланишга лексик аспект сифатида қаралади. Аспект гапдаги ҳаракатнинг тугалланганлиги ёки тугалланмаганлиги билан белгиланади. Акционсарт ёки акционаллик одатда лексик аспект сифатида қаралади. Лексик аспект тилшунослар томонидан турлича номланади: “вазиятнинг ўзига хос маъноси” [60], аспектиал синф [61]. Кўпчилик тилшунослар лексик аспекти тилшуносликка оид ибора деб билишади ” [60], [61]. Шундай қилиб “акционсарт” рус тилида ”способы действие” (ҳаракат тарзи) тушунчасига тўғри келади. ”Способы действия” фақатгина феъл предикатларининг чегараланганлиги ёки чегараланмаганлиги билан эмас, балки бошланиш, давомлилик, такрорийлик, тугалланиш ва бошқа шу каби ҳаракатларнинг ифодаланиши билан боғлиқ. Агар акционаллик (акционсарт) лексик тушунча бўлса, у феълларнинг лексик (луғавий) маъноси асосида аниқланиши зарур. Биринчидан, феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятлари уларнинг лексик-семантик хусусияти асосида белгиланиши лозим. Иккинчидан, шу

чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятлар асосида феъл “функционал майдон” да ўрганилиши керак. [12].

Б.Х.Ризаев эса Акционсартни лексик-семантик тушунча деб ҳисоблайди. Олимнинг икки акционал хусусиятли феъллар борасидаги фикрлари акционалликни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Б.Х. Ризаев феълнинг акционал хусусияти унинг лексик-семантик потенциалидаги аниқ бирор бир белгининг актуализациясига боғлиқлигини таъкидлаб ўтади. Муаллиф, икки акционал хусусиятли феълларнинг хусусиятларига қуйидагича изоҳ беради: “субъект ҳаракатининг бирор ориентирга йўналганлиги, ўз жойини тарк этиши, янги жойда пайдо бўлиши, кузатиш майдонидаги муҳитнинг чекланганлиги феълнинг чегараланганлик хусусияти билан боғлиқ бўлса, субъектнинг макондаги (мақсадсиз) ҳаракатида эса, феълнинг чегараланмаганлик хусусияти тушунилади” [42, 69]. Муаллиф, “лимитатив нейтрал” (икки акционал хусусиятли) атамасини киритиб, феълнинг лексик-семантик потенциалида шу иккала қарама-қарши белгилар (чегараланганлик/чегараланмаганлик) мавжудлигини айтиб ўтади.

Кўриб турганимиздек, феълларнинг акционал хусусиятларини аниқлаш борасида турли хил йўналишлар мавжуд. Юқорида айтиб ўтганимиздек, биз мазкур магистрлик диссертациямизда феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятларини уларнинг лексик маънолари асосида [42], [37] таснифлаймиз.

Мазкур ишнинг биринчи бобида таъкидланганидек, биз феълларнинг лексик-семантик гуруҳларидан энг асосийлари ҳаракат (dynamic) ва ҳолат (stative) феълларини тадқиқот объекти сифатида оламиз. Бунга сабаб одатда аспектологлар ҳаракат ва ҳолат феълларини қарама-қарши қўйишади ҳамда улар ҳолат феъллари чегараланмаган деб талқин қилишади. Мазкур ҳол славян тилларига хос ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу қараш бошқа тилларнинг, жумладан, инглиз ва ўзбек тилларининг феъл системасига мос тушиш ёки тушмаслигини аниқлаш муҳим ўрин тутаяди.

### 2.1.1. Инглиз тилида чегараланган хусусиятли феъллар

Феълнинг чегараланганлиги хусусида рус аспектологги Ю.С. Маслов фикр юритаркан, у чегараланган хусусиятли феъллар ички чегарага йўналганлик маъносининг мавжудлиги билан чегараланмаган феъллардан фарқ қилишини айтиб ўтади [29, 198].

Инглиз тилшунослигида чегараланганлик\* (*telicity*) тушунчасини, феъл ёки бирикманинг бирор бир ҳаракат, воқеанинг ниҳоясини ифодалаши тушунилади.

Ушбу иккинчи бобнинг биринчи қисмида инглиз тилида чегараланган хусусиятли ҳолат ва ҳаракат феълларининг бир нечтасини таснифлашни мақсад қилиб олганмиз. Инглиз тилидаги чегараланган хусусиятли ҳолат феълларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: *to die, to blush*.

Инглиз тилидаги чегараланган хусусиятли ҳолат феълларининг Oxford Advanced Learner's dictionary of Current English (бундан сўнг Oxford) изоҳли луғатида келтирилган маъноларига эътибор қаратамиз: *to die* 1. To stop living - яшашдан тўхтамоқ ёки кимнингдир ёки ниманингдир хаёти охирига етмоқ. Масалан: *Her husband died suddenly last week. To die* феълнинг ушбу изоҳида, ҳаракат чегараланган. Мисолга назар ташлайдиган бўлсак “унинг турмуш ўртоғи тўсатдан ўтган ҳафта оламдан ўтди”. Бу мисолда кишининг хаётдан кўз юмиши билан унинг ҳаракати ниҳоясига етади. 2. To stop existing; to disappear - мавжуд булишдан тухтамоқ ғойиб бўлмоқ. Масалан: *His secret died with him. Old customs are dying . To die* феъли ушбу изоҳда ҳам чегараланган ҳаракатни ифодаламоқда. 3. To stop working (of a machine) – ишдан чиқмоқ, ишлашдан тўхтамоқ. Масалан: *The engine spluttered and died* [86, 422] *To die* феъли иш-ҳаракатнинг тўхташини, якунига етишини билдириб, чегараланган хусусиятни касб этмоқда.

*To die* феълнинг изоҳли луғатда келтирилган денотатив маъноларининг учаласида ҳам чегараланган иш-ҳаракат кузатилди.

\* Чегараланганлик инглиз тилида *telicity* атамаси орқали ифодаланади. Ушбу сўз юнон тилидан олинган бўлиб, *τέλος* *охир, поён* маъноларини англатади.

*To blush* 1. To become red in the face because you are embarrassed or ashamed: *She blushed furiously at the memory of the conversation.* 2. To be ashamed or embarrassed or ashamed about sth: *I blush to admit it, but I quite like her music* [86, 157]. *To blush* феъли субъектнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш маъносини билдириб, чегараланган хусусиятга эга.

Энди эса инглиз тилида чегараланган хусусиятли ҳаракат феълларини кўриб чиқамиз. Қуйидаги феълларни чегараланган ҳаракат феъллари гуруҳига киритишимиз мумкин: *to break, to come, to reach, to enter, to leave, to build, to open, to win, to start* ва ҳ.

Инглиз тилидаги ушбу чегараланган хусусиятли ҳаракат феълларининг изоҳли луғатда келтирилган маъноларига эътибор қаратамиз: *to enter* 1. To come or go into sth. *Someone entered the room behind me.* 2. To become a member of an institution ; to start working in an organization or a profession. To enter a college/university. 3. To begin or become involved in an activity, a situation. *Several new farms have now entered the market.* 4. To put your name on the list for an exam, a race, a competition. *Only four British players have entered for the championship* [86, 508]. *To enter* феъли объектнинг ички қисмига йўналган ҳаракатни ифодаламақда. Бу феълнинг семантикаси ички чегара (ҳаракатнинг тугал нуқтага интилиши)га эга, ҳаракат ички чегарага етиб тўхтайд.

*To break* 1. To be damaged and separated into two or more parts. *She dropped the plate and it broke into pieces.* 2. To stop working as a result of being damaged; to damage sth and stop it from working. *My watch has broken.* 3. To cut the surface of the skin and make it bleed. *The dog bit me but didn't break the skin.* 4. To do sth that is against the law; to not keep a promise. To break the law/rules; to break an agreement/a contract/a word. 5. Sustain an injury involving the fracture of a bone or bones in a part of the body: *She had broken her leg in two places* [87, 179]. *To break* феълнинг келтирилган барча маъносида чегараланган иш-ҳаракат ифодаланган. Қуйидаги мисолда *to break* феълнинг аргументнинг

ёки процесс кўрсаткичи бўлган *for* предлоги ёрдамида чегараланмаган маънога эга бўлишини кузатишимиз мумкин:

A) kelly broke the glass in 10 seconds/for 10 seconds

*To reach* 1. To arrive at the place that you have been travelling to. *They didn't reach the border until after dark.* 2. To come to sb's attention. *The rumours eventually reached the President.* 3. To increase to a particular level, speed, etc. over a period of time. *The conflict has now reached a new level of intensity* [86, 1253]. *To reach* феъли якуний пунктга интилган ва етиб тугалланганликни билдирмоқда. Ҳаракат объектга етиб тугалланиб, чегараланганлик ифодаланмоқда.

*To enter* 1. To come or go into sth: *Knock before you enter.* 2. To become a member of an institution; to start working in an organization or a profession: to enter a school/college/university [87, 508]. *To enter* феъли бирор объект йўналишида тугал, якуний пунктга етган ҳаракатни билдириб, чегараланган акционал хусусиятга эга.

*To start* 1. To begin doing or using sth. *I start work at nine. I only started this book yesterday.* 2. To start happening; to make sth start happening. *The class started at eight.* 3. To begin a journey; to leave. *What time are we starting tomorrow?*[86, 1496]. *To start* феъли ҳаракатнинг бошланишини (1,2), бирор муҳитни, жойни тарк этиш (3) маъносини англатиб, чегараланган ҳаракатни ифодаламоқда.

*To leave* 1. To go away from a person or a place. *The plane leaves for Dallas at 12.35.* 2. To stop living at a place, belonging to a group, working for an employer, etc. *Some children leave school at 16.* 3. To not do sth or deal with sth immediately. *Leave the dishes- I'll do them later* [87,475]. *To leave* феъли субъект бирор муҳит, ўз жойлашган ўрнини (1), бирор муҳитни тарк этиш (2), бирор ҳаракатни бажаришдан тўхташ (3) маъносини англатиб, чегараланган ҳаракатни ифодаламоқда.

*To come* 1. To move to or towards a person or place. He came into he room and shut the door. *She comes to work by bus.* 2. To arrive at or reach a place. *They*

*continued until they came to a river. What time did you come?* [87, 296]. То come феъли субъектнинг бирор бир объектга етиш маъносини билдириб, чегараланган хусусиятга эга.

*To open* 1. To move a door, window, lid, etc. *So that it is no longer closed: Mr Chen opened the car door for his wife.* 2. To move the lid, undo fastening of a container in order to see or get what is inside: *He opened the letter and read it* [86, 1062]. Ушбу феълнинг иккала маъносида ҳаракат ички чегарага йўналганлик мавжуд бўлиб, чегараланганлик хусусиятини беради.

*To win* 1. To be the most succesful in a competition, race, battle, etc.: *France won by six goals to two against Denmark.* 2. To get sth as the result of a competition, race, election: *Britain won five gold medals* [86, 1747].

Келтирилган ҳаракат феъллари семантикаси ҳаракатнинг бошланиш нуқтаси ёки якуний нуқтасининг мавжудлиги билан чегараланган хусусиятли феъллар гуруҳига мансубдир.

*To build* феълининг қуйидаги маънога эга: to make sth, especially a building, by putting parts together: *Robins build nests almost anywhere.* Изоҳли луғатда келтирилган маъносига кўра *to build* феъли чегараланган хусусиятга эга. Веркюль *to built* феълинининг чегараланганлик хусусияти гапдаги воситасиз тўлдирувчи таъсирида ўзгариши мумкин деб ҳисоблайди [73].

Mary built houses for a week/in a week

Dowty эса чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиялари аслида феъл предикати асосида ўрганилиши керак деб ҳисоблайди [61].

Ушбу бўлимда биз *to die, to blush* каби ҳолат феъллари ҳамда ҳаракат феъллари бўлган *to break, to come, to reach, to enter, to leave, to build, to open, to win, to start* феълларининг акционал хусусиятларини уларнинг лексик маънолари асосида кўриб чиқдик. Санаб ўтилган феълларнинг изоҳли луғатларда келтирилган маъноларини таҳлил қилиб, ушбу феълларни чегараланган хусусиятли ҳолат ва ҳаракат феъллари гуруҳига киритдик. Чунки, ушбу феълларнинг барча изоҳли луғатлардаги маъноларида ҳаракатнинг чегарага интилганлик семантикаси мавжуд.

### 2.1.2 Ўзбек тилида чегараланган хусусиятли феъллар

Юқорида таъкидланганидек, биз феълларнинг лексик-семантик гуруҳларидан энг асосийлари ҳаракат (dynamic) ва ҳолат (stative) феълларини тадқиқот объекти сифатида оламиз. Ушбу феълларнинг чегараланганлик хусусиятини таснифлашда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (бундан сўнг ЎТИЛ) дан фойдаланамиз.

Ўзбек тилида чегараланган хусусиятли ҳолат феълларига куйидагиларни киритишимиз мумкин: *ўлмоқ, касалланмоқ, қаримоқ, қизармоқ.*

*Ўлмоқ* феълнинг изоҳли луғатда келтирилган маъноларига эътибор қаратамиз. 1. Ҳаёти тугамоқ, яшашдан тўхтамоқ, қазо қилмоқ. *Кечга яқин йўл устида ярадор лейтенант ўлди.* 2. Йўқ бўлмоқ, барҳам топмоқ. Ҳаваси ўлмоқ. Иштаҳаси ўлмоқ. 3. Бирор сифати, хусусияти ва ш.к. ни йўқотмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ. *Робия хола қайноғи ўлган чойдишига ўт қалаб юборди.* / ЎТИЛ, 2008: 5 ж. 151/. *Ўлмоқ* учала маъносида ҳам ҳаракат якуний нуқтага етган. Ушбу феъл чегараланган хусусиятни ифодаламоқда.

*Қаримоқ* феълнинг маъноларига эътибор қаратамиз. 1. Ёши улғайиб, қарилик даврига ўтмоқ ; кексаймоқ. *Сиз нечага кирдингиз? – Мени сўраманг энди мен қаридим.* 2. Жисмонан қарилик даврига хос ҳолатга тушмоқ. *Хадича хола умрини хорлик-зорлик тортиб ўтказган ҳамма кишилардай тез қариган.* / ЎТИЛ, 2008: 5 ж. 248/. *Қаримоқ* феълнинг икки маъносида ҳам субъектнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ифодаланиб, чегараланган маъно касб этмоқда.

*Касалланмоқ* феъли “бирор касал билан оғримоқ, касалга чалинмоқ” маъноларига эга. *Мутрибниг касалланиб, Питнакдан қайтиб келганини Аваз Рўзимбойдан эшитди.* / ЎТИЛ, 2008: 2 ж. 327/. *Касалланмоқ* феъли чегараланган иш ҳаракатни ифодаламоқда.

*Қизармоқ* 1. Қизил ёки шунга яқин тус олмоқ: Осмон қизарди. 2. *кўчма* Ножўя, номақбул хатти-ҳаракати, қилмиши, айби, камчилиги ва ш.к. учун кимса олдида хижолат тортмоқ, иззи ҳолатга тушмоқ: Модомики мендан

гуноҳ содир бўлмади, текширсалар, ҳақиқат олдида ўзлари қизариб қоладилар, шундай эмасми? *Қизармоқ* феъли субъектнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини билдириб чегараланган хусусиятга эга.

Энди эса ўзбек тилида чегараланган хусусиятли ҳаракат феълларини ўрганиб чиқамиз.

Ўзбек тилида кўп қўлланиладиган чегараланган хусусиятли ҳаракат феълларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: *синмоқ, келмоқ, кетмоқ, етмоқ, кирмоқ.*

Юқорида келтирилган ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг чегараланганлик акционал семантикасига аниқлик киритиш мақсадида феълларнинг луғавий маъноларини келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик. Жумладан *синмоқ* феълининг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги (ЎТИЛ) лексик маъноларига эътибор қаратамиз: Парчаланмоқ, майдаланмоқ, бўлакларга ажралмоқ, узилмоқ. *Шиша синди. Қўлидаги даста-даста пахта гулли пиёладан бири ерга тушиб, чил-чил синди.* / ЎТИЛ, 2006: 3 ж. 512/. *Синмоқ* феъли чегараланган ҳаракатни ифодаламақда.

*Келмоқ* феълининг қуйидаги маънолари берилган: 1. Юриш, учиш ҳаракати ёки транспорт воситалари билан сўзловчига қарама-қарши томондан сўзловчи турган томонга, жойга йўл олмоқ, йўналмоқ; шу томондаги бирор жойга етмоқ: *Поезд келаяпти (поезд келди);* 2. Сўзловчи турган жойга ёки сўзловчи томондаги жойга етмоқ, шу жойда ҳозир бўлмоқ: *Ёз фаслари деҳқончилик қилади, саҳар кетиб, кеч келади.* /ЎТИЛ, 2008: 2ж. 347-349/. Ушбу феълнинг иккала маъносида ҳам якуний чегарага интилганлик семантикаси мавжуд.

*Кетмоқ* феълининг маъноларига эътибор берамиз: 1. Ўз турган жойини тарк этмоқ, ўз турган жойидан бошқа томонга йўл олмоқ: *Меҳмонлар уч кун туриб кетишди.* 2. Бирор машғулот, хизмат ёки вазифани тарк этмоқ, ташламоқ: Сендай ақли расо, тушунадиган одам бўлса, заводдан кетмас эдим. /ЎТИЛ, 2008: 2ж. 359-360/. *Кетмоқ* феълининг иккала маъноси ҳам субъект ўз жойлашган ўрнини тарк этишини ифодаламақда.

Ўзбек тилидаги чегараланган хусусиятли ҳаракат феълларидан яна бири *етмоқ* феълдир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ушбу феълнинг куйидаги маънолари келтирилади: 1. Юриб, йўналиб маълум бир ерга, жойга, манзилга бориб олмоқ: *Ҳайдар ота Кўтармага хуфтондан кейин етди.* 2. Қувиб, тенглашиб олмоқ: Ошиқмаган қуёнга етибди. / ЎТИЛ, 2008: 1 ж. 19/. Субъект томонидан бажарилаётган ҳаракат бирор объектга етиб тугамоқда. Ҳаракат чегараланган хусусиятга эга.

Навбатдаги чегараланган хусусиятли ҳаракат феълларидан яна бири *кирмоқ* феълдир: 1. Юриб ёки силжиб бирор нарсанинг ичига, ички қисмига ўтмоқ. *Уйга кирмоқ. Форга кирмоқ.* 2. Нарсанинг орасига, ички қисмига ёриб, тешиб ўтмоқ, суқулмоқ; санчилмоқ. *Қўлига тикан кирди.* / ЎТИЛ, 2008: 2 ж. 373/. Ушбу феълнинг иккала маъносида ҳам чегараланлик хусусияти мавжуд бўлиб, ҳаракат тугал чегарага етиб тўхтамоқда.

Келтирилган изоҳ ва уларнинг таҳлилидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ҳолат феъллари ҳисобланган *ўлмоқ, ранжимоқ, касалланмоқ, қаримоқ, қизармоқ* феъллари ва *синмоқ, келмоқ, кетмоқ, етмоқ, кирмоқ* каби ҳаракат феъллари чегараланмаган акционал хусусиятга эга. Ҳолат феълларининг чегараланганлик хусусияти субъектнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши билан боғлиқ. Ҳаракат феълларининг ифодалаган маъноларида эса биз ҳаракатнинг маълум бир чегарага етишини кузатамиз.

### **2.2.1. Инглиз тилида чегараланмаган хусусиятли феъллар**

Чегараланмаганлик хусусиятли феълларининг семантикасида ички бошланғич, якуний, чегаранинг йўқлиги билан изоҳланади. Бу гуруҳ феъллари субъект ҳаракатининг усулини, тарзини ифодалаши билан ажралиб туради.

Чегараланмаган хусусиятли ҳолат феълларига куйидаги феълларни киритишимиз мумкин: *to lie, to be, to sleep, to stay.*

Ушбу чегараланмаган хусусиятга эга ҳолат феълларининг изоҳли луғатда келтирилган маъноларига эътибор қаратамиз.

*To lie* 1. To be or put yourself in a flat or horizontal position so that you are not standing or sitting. The cat was lying fast asleep by the fire. 2. (of a thing) to be or remain in a flat position on a surface. *Clothes were lying all over the floor.* 3. To be, remain or be kept in a particular state. *Snow was lying thick on the ground.* 4. (of a town, natural feature, etc) to be located in a particular place. *The town lies on the coast.* 5. To be spread out in a particular place. *The valley lay below us.* 6. (of ideas, qualities, problems, etc) to exist or to be found. *The problem lie in deciding when to intervene.* 7. To be in a particular position during a competition. *Thompson is lying in fourth place* [86, 886].

*To lie* феъли танани текис ёки горизонтал ҳолатда бўлиши (1), бирор нарсанинг юзада ёйилган ҳолда бўлиши (2), маълум бир ҳолатни сақлаб туриш, шу ҳолатда бўлиш (3), шаҳар, табиий бирор нарсанинг бирор жойда жойлашиши (4), бирор жойда ястаниб ётиши (5), фикрлар, хусусиятлар, муаммонинг мавжуд бўлиши (6), мусобақада бирор ўринни эгаллаш (7) каби маъноларига эга. Ва ушбу барча лексик маънолари чегараланмаган хусусиятга эга. Биз феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятларини уларнинг лексик маъноси асосида тавсифлашни ўзимизга мақсад қилиб олган бўлсакда, *to lie* феълининг *down* послелоги билан бирикиб келган ҳолатига эътибор қаратишни лозим топдик. *Lie down to be or get into a flat position, especially in bed, in order to sleep or rest: He lay down on the sofa and soon fell asleep.* *To lie* феъли *down* послелоги билан бирикиб, субъектнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини ифодалаб, чегараланганликни акционал хусусиятга эга бўлади.

*To sleep* 1. To rest with your eyes closed and your mind and body not active: too sleep well/deeply/soundly/badly. *I couldn't sleep because of the noise. I had to sleep on the sofa* [86, 1435]. *To sleep* феъли субъектнинг тананинг сезувчанликни йўқотган ҳолда табиий дам олиш ҳолатини, ухлаш ҳолатини билдириб чегараланмаган хусусиятга эга. Лекин ушбу феъл контекст

таъсирида ўзгача маъно касб этиши мумкин. Масалан: *Mostly I slept in the mornings, and in the afternoons.* Вақт кўрсаткичи *in the mornings* ҳолатнинг такрорланишини кўрсатмоқда. “I slept until dinner” she said. Ушбу мисолда эса вақт кўрсаткичи ҳаракатнинг якуний нуқтасинин кўрсатмоқда.

*To be* 1. To exist; to be present: *Once upon a time there was a princess.* 2. To be located; to be in a place: *Mary is upstairs.* 3. To happen at a time or in a place: *The party is on Friday evening* [87, 117]. *To be* феъли бор бўлмоқ (1), жойлашган бўлмоқ (2), содир бўлмоқ (3) каби маъноларни англатиб, чегараланмаган хусусиятга эга.

*To stay* 1. To continue to be in a particular place for a period of time without moving away: to stay in bed. *Do you want a drink? No, thanks I can't stay.* 2. To continue to be in a particular state or situation: *He never stays angry for long.* 3. To live in a place temporarily as a guest or visitor: *We found out we were staying in the same hotel* [86, 1500]. *To stay* феъли бирор жойда бўлишда давом этмоқ (1), бирор ҳолатда бўлиш (2), бирор жойда вақтинча ёки меҳмон сифатида яшамоқ (3) каби маъноларига эга бўлиб, чегараланмаган хусусиятга эга.

Чегараланмаган хусусиятли феъллари субъект ҳаракатининг усулини, тарзини ифодалаши билан ажралиб туради. Чегараланмаган хусусиятли ҳаракат феълларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: *to ride, to glide, to wander, to jog, to totter, to fly* ва ҳ.

Келтирилган чегараланмаганлик хусусиятли ҳаракат феълларининг изоҳли луғатда келтирилган изоҳларига назар ташлаймиз.

*To ride* 1. To sit on a horse, a bicycle etc. and control it as it moves: *He was riding on a large black horse.* 2. To spend time riding a horse for pleasure: How often do you go riding? 3. To travel in vehicle, especially as a passenger: *I walked back when the others rode in the car.* 4. To go through or over an area on a horse, bicycle, etc.: *We rode the mountain trail* [86, 1306].

*To ride* феъли от (велосипед ва бошқ.)ни бошқармоқ (1), от миниб вақт ўтказмоқ (2), транспорт воситасида йўловчи сифатида саёҳат қилмоқ (3), бирор бир ҳудудда от, велосипед ва бошқа транспорт воситасида юриш (4)

маъноларига эга. Ушбу феълнинг барча маъноларида чегара мавжуд эмаслиги сабабли чегараланмаган хусусиятни ўзида акс эттиради.

*To glide* to move smoothly quietly especially as so it takes no effort: The skaters were gliding over the ice. *To glide* феъли бир маромда ортиқча куч сарфламасдан субъектнинг макондаги мақсадсиз ҳаракатини билдириб, чегараланмаган акционал хусусиятли феъллар гуруҳига мансубдир.

*To wander* to walk slowly around or to a place without any particular sense of purpose or direction: *She wandered aimlessly around the streets* [86, 1715]. Ушбу феъл мақсадсиз, йўналишсиз бирор маконда секин ҳаракатланиш маъносини англатиб, чегараланмаган хусусиятга эга.

*To jog* to run slowly and steadily for a long time, especially for exercise: *I go jogging every day. To jog* феъли бир маромда (асосан бадантарбия учун) узоқ вақт ҳаракатланмоқ, енгил югурмоқ маъноларига эга.

*To totter* to walk or move with weak unsteady steps, especially because you are drunk or ill/sick: *The old lady tottered down the stairs* [86, 1622]. *To totter* қийинчилик билан, оғир қадамлар билан юрмоқ, ҳаракатланмоқ каби субъект ҳаракатининг усулини ифодоловчи маъноларига эга.

*To fly* 1. To move through the air, using wings: A stork flew slowly past. 2. (of an aircraft) to move through the air or space: *They were on a plane flying from London to New York.* 3. To control an aircraft, etc. in air: *A pilot trained to fly large passenger planes. Children are flying kites* [87, 397]. *To fly* феъли ҳавода, осмонда ҳаракатланмоқ, самолёт, варрак ва б. ни бошқармоқ каби маъноларига эга бўлиб, чегараланмаган ҳаракатни ифодалайди.

Келтирилган изоҳ ва мисоллардан кўриниб турибдики, мазкур феълларда бошланиш ва якуний чегаралари мавжуд эмас. Улар субъект ҳаракати усули маъносини ифодалашган. Шундай бўлса-да, бу гуруҳ феъллари контекстдаги конкретизаторлар орқали чегараланганлик хусусиятига ҳам эга бўлиши мумкин. И.П. Иванова чегараланмаган хусусиятли феъллар чегараланган маънони билдиришини таъкидлаб ўтади. У

ушбу ҳодисани контекстдаги грамматик воситалар билан боғлиқлиги ҳақида ёзади [22, 131].

Масалан чегараланмаган хусусиятли *to fly* феъли *for* ва *in* постпозитиви билан бирикиб келган ҳолатга эътибор қаратамиз: 1 а) *Robin flew a kite for an hour*. Бу мисолда ҳаракат чегараланмаган. б) *Robin flew a kite in an hour*. Ушбу мисолда эса ҳаракат чегараланган.

Чегараланмаган хусусиятли феъллардан яна бири *to jog* феълнинг контекстда чегараланган хусусиятга эга бўлишини кузатишимиз мумкин: *Kim jogged to the store*. Бу мисолда ҳаракат мўлжал ёки чегарага етган ва чегараланган предикат ифодаланмоқда.

Бизнинг фикримизча, акционал гуруҳни аниқлашда асосий эътибор феъл семантик маъносига қаратилиши керак. Бу турдаги феълларнинг нутқ контексти таъсири остида ўзгарганлиги сабабли уларни лимитатив нейтрал (икки акционал хусусиятли) феъллар гуруҳига кирита олмаймиз.

### 2.2.2 Ўзбек тилида чегараланмаган хусусиятли феъллар

Чегараланмаган хусусиятли феъллар ҳеч қандай чегарани ифодаламайди. Ҳаракат якуний нуқтага етмасдан давом этиш хусусиятига эга. Якуний нуктасининг йўқлиги билан чегараланмаган хусусиятли феъллар чегараланган хусусиятли ва икки акционал хусусиятли феълларидан ажралиб туради.

Д.М.Насилов чегараланмаган хусусиятли феъллар хусусида фикр юритаркан, шундай дейди: “Чегараланмаган феъллар нотрансформатив воқеликни акс этириб, яккаю-ягона «сифатий» аспектualiкни амалга ошириб, бир фазали структурага эга бўлади. Улар процесснинг медиал фазаси соҳиби ҳисобланади” [36, 137].

Чегараланмаган хусусиятли ҳолат феълларига куйидаги феълларни киритишимиз мумкин: *ётмоқ, ухламоқ, бўлмоқ, қолмоқ*.

Ушбу феълларнинг “Ўзбек тилининг изоҳли луғат”ида келтирилган маъноларига эътибор қаратамиз.

*Ётмоқ* 1. Танани ерга (каравот, тўшак ва ш.к. га) бериб чўзилмоқ, узала тушмоқ. Ерга ётмоқ. Ўт устига ётмоқ. *Йўлчи қуруқ наमतга ётиб, устига кўрпача ёнди.* 2. Жойни банд қилмоқ, жойлашмоқ. *Танчанинг устида бойнинг садаф тасбеҳи, кўзойнаи ётар эди.* 3. Сақланмоқ; турмоқ. Кўйлак сандикда ётибди 4. Тунамоқ, ухламоқ. Бола бешикда ётади. *Юринг, опагон, бугун бизникида ётинг [деди Рўзимат].* 5. Касал бўлмоқ, тоби қочмоқ. Бемор узоқ ётди. Ешитдингми, улуғ афандимнинг тоби қочиб қолибди. Боёқиш қаттиқ ётган эмиш. 6. Ҳибсда бўлмоқ, қамалмоқ. Ётиб чиқмоқ. *Мирза Муҳиддин томонидан эҳтиёт чораси кўрилганича, бир йилдан ортиқроқ сўроқсиз ётди.* /ЎТИЛ, 2006; 2 ж. 50/.

*Ётмоқ* феъли субъект ҳолатини билдириб, чегараланмаган хусусиятли ҳолат феъллари гуруҳига мансубдир.

*Ухламоқ* 1. Уйкуга кетмоқ, ухлоқ ҳолатда бўлмоқ. *Бола гоҳ у ишга гоҳ бу ишга югурар, кечалари эса ҳолдан тойиб, ҳориб, донг қотиб ухлар эди.* 2. кўчма Тинч ҳолатда бўлмоқ. *Пашиа учмас, ухлар унгурлар. Аллалайди сойнинг шовқини!*

Келтирилган изоҳлардан кўриниб турибдики *ухламоқ* феъли субъектнинг ҳолатини билдириб чегараланмаганлик хусусиятига эга.

Ўзбек тилидаги чегараланмаган ҳолат феълларидан яна бири *қолмоқ* феълидир. *Қолмоқ* феълнинг акционал хусусиятларини аниқлаш мақсадида Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ)да келтирилган маъноларига назар ташлаймиз. 1. Бошқа жойга кетмай, бормай, жилмай, қўзғалмай, ўз жойида бўлмоқ; жойини тарк этмаслик: *Биз бу йил ҳам қишлоқда қолдик.* 2. Бор, мавжуд ҳолатда бўлмоқ; бор (инкор шаклида йўқ ҳолатни, йўқ эканликни билдиради). *Келгуси асрга икки қадамгина йўл қолди.* 3. Бирор ҳолат, вазият, макон (жой) ва ш.к. да мавжуд бўлмоқ. Ёлғиз қолмоқ. Виждон азобида қолмоқ. *Фашистларнинг ўқ, ханжари-ла талай ёшлар қолди бепадар.*

*Қолмоқ* феъли субъектнинг бир ҳолатда бўлиш маъносини англатиб, чегараланмаган хусусиятга эга.

*Бўлмоқ* 1. Юз бермоқ, воқе бўлмоқ: Кеча мажлис бўлди. *Бугун бир қизиқ воқеа бўлди.* 2. Келмоқ, бошланмоқ; ўтмоқ, кечмоқ: Баҳор бўлди. Кеч бўлди. Вақт бўлди. 3. Амалга ошмоқ, битмоқ: *Ҳамма иш бир ҳафтада бўлади. Ўқиш қаноат билан бўлади.*

Келтирилган изоҳлардан кўриниб турибдики бўлмоқ феъли чегараланмаганлик хусусиятига эга.

Чегараланмаган хусусиятли ҳаракат феълларига субъектнинг ҳаракат усулини билдирадиган *учмоқ, сирпанмоқ, кезмоқ, дайдимок, тентирамоқ, изгимоқ, судралмоқ* каби феълларни киритиш мумкин. Чегараланмаган хусусиятли ушбу феълларнинг “Ўзбек тилининг изоҳли луғат”ида келтирилган маъноларига эътибор қаратамиз.

*Учмоқ* 1. Қанот воситасида ҳавода ҳаракатланмоқ, қанот қоқиб бирор томонга йўналмоқ: Қуш қаноти билан учиб, қуйруғи билан кўнади. *Баҳор ҳидидан бесаранжом бўлган қарғалар қағиллаб, ... далалар устида учарди.* Учувчи механизм ҳақида: *Асад модели эса тез учар эди.* Шундай механизм воситасида бирор томонга йўналмоқ: Москвага учмоқ. Зарба, шамол каби бирор куч таъсирида ҳавода ҳаракатланмоқ: *Осмонда ранг-баранг қогозлар, шарлар учиб юрибди;* 2. кўчма Жуда тез юрмоқ, югурмоқ: *Машина учиб борар эди;* 3. Қор, муз устида сирпанмоқ: *Чанада учмоқ, чангида учмоқ.* /ЎТИЛ, 2006; 4 ж. 308/.

*Сирпанмоқ* 1. Силлиқ юза, сирт устида монесиз, тўсиқсиз сурилмоқ; сирғанмоқ, тойғанмоқ. *Кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб кўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди.* 2. Силлиқ муз, яхмалак ёки қор устида учмоқ, сирғанмоқ. Конькида сирпанмоқ.

*Судралмоқ* Имиллаб юрмоқ, секин бормоқ; имллаб юриб ёки сусткашлик қилиб, кейинда қолмоқ. Охирги ўринда судралиб бормоқ.

*Кезмоқ*- айланиб юрмоқ, сайр қилмоқ: *Чўлларда кезмоқ. Дунёни кезмоқ. Шукуржон қишлоқда бир кун турди,пахтазорларни кезди, онаси билан бувисининг қабрини зиёрат қилди.* / ЎТИЛ, 2006; 2 ж. 341).

*Тентирамоқ* 1. Аниқ бир мақсадсиз кезиб юрмоқ, бекорга санқиб, вақт ўтказмоқ, кезмоқ: *У кўп тентираб чарчагани устига, синглисини узоқ ёлғизлатиб қўйганидан хижолатда эди.* 2. Сарсон-саргардон бўлмоқ, саргардонликда юрмоқ. *Сенларнинг зулмингдан қанча одамлар тентиради.* /ЎТИЛ, 2006; 4 ж. 66/.

*Изғимоқ*. 1. Бирор мақсадда кезиб юрмоқ: *Даштда бўрилар изғийди.* 2. Умуман, дайдимок, санғимоқ: *Болалар кўчада изғиб юришибди* /ЎТИЛ, 2006; 2 ж. 184/.

*Дайдимоқ* 1. Қўним топмай, дарбадар кезмоқ, кўчиб юрмоқ: *Биз дайдимайдиған кунлар ҳам келар;* 2. Тентираб, санқиб юрмоқ: *Қудрат эгасиз дайдиб юрган саманни тутиб, Полвон отанинг олдиға олиб борганда, Полвон отадан шу воқеани эшитган эди.* 3. Бирор мақсадда изғиб юрмоқ: *Менга, дўстим, тутма осон, бунда тун-кун ажсал дайдийдир.* /ЎТИЛ, 2006; 1 ж. 545/. *Дингилламоқ.*

Келтирилган ҳаракат феълларидан *сирпанмоқ*, *судралмоқ* феъллари субъектнинг ҳаракат усулини англатади, *кезмоқ*, *тентирамоқ*, *изғимоқ*, *дайдимоқ* феъллари эса субъектнинг макондаги давомли ҳаракатини билдиради. Ушбу феъллар якуний нуқтага интилганлик маъносига эга эмас. Шунинг учун ҳам бу феъллар чегараланмаган хусусиятли ҳаракат феъллари гуруҳига киради.

### **2.3.1 Инглиз тилида икки акционал хусусиятли феълларга доир**

Икки акционал хусусиятли феъллар борасида Б.Х. Ризаевнинг фикрларига эътибор қаратамиз. Олим феълнинг акционал хусусияти унинг лексик-семантик потенциалидаги аниқ бирор бир белгининг актуализациясига боғлиқлигини таъкидлаб ўтади. Муаллиф, икки акционал хусусиятли феълларнинг хусусиятларига қуйидагича изоҳ беради: “субъект ҳаракатининг бирор ориентирга йўналганлиги, ўз жойини тарк этиши, янги жойда пайдо бўлиши, кузатиш майдонидаги муҳитнинг чекланганлиги

фёълнинг чегараланганлик хусусияти билан боғлиқ бўлса, субъектнинг макондаги (мақсадсиз) ҳаракатида эса, фёълнинг чегараланмаганлик хусусияти тушунилади” [42, 69]. Муаллиф, лимитатив нейтрал (икки акционал хусусиятли) фёълнинг лексик-семантик потенциалида шу иккала карама-қарши белгилар (чегараланганлик/чегараланмаганлик) мавжудлигини айтиб ўтади. Биз ўз семантикасида ҳам чегараланганлик ҳам чегараланмаганлик хусусиятни қамраб оладиган инглиз тилидаги ҳолат ва ҳаракат фёълларининг бир нечтасини кўриб чиқамиз.

Инглиз тилидаги икки акционал хусусиятли ҳолат фёъллари гуруҳига кўйидаги фёълларни киритишимиз мумкин: *to sit, to stand*.

*To stand* фёълнинг чегараланганлик/ чегараланмаганлик хусусиятларини аниқлаш мақсадида “Oxford advanced learner’s dictionary of Current English” изоҳли луғатига мурожат қиламиз. Унда *to stand* фёълнинг кўйидаги денотатив маънолари келтирилади: 1. To be on your feet; to be in a vertical position: *She was too weak to stand*. Келтирилган изоҳда субъектнинг вертикал позицияда бўлиши келтирилган бўлиб, чегараланмаганлик маънога эга; 2. **Stand (up)** to get up into your feet from another position: *Everyone stood when the President came in*. Мазкур изоҳда субъектнинг вертикал ҳолатдан горизантал ҳолатга ўтиш маъноси ифодаланган ва чегараланган маъно юзага келган; 3. Be or remain upright. *His hair stood on end* [86, 1492]. Предметнинг тик ҳолатда сақланиш маъноси ифодаланган ва чегараланмаган хусусиятга эга.; 4. Be in a certain position or situation; be situated. *The chairs stood by the wall*. Бирор ҳолатда сақланиш ёки бўлиш маъноси келтирилган бўлиб, бу ҳолда ҳам *to stand* чегараланмаган; 5. Assume a stationary position; stop moving; halt. *Stand still! Stand and deliver*. Ҳаракатдан тик ҳолатга келиш маъноси ифодаланган ва чегараланган маъно ҳосил бўлган.

Келтирилган изоҳлардан кўриниб турибдики *to stand* фёълда ҳам чегараланган ҳам чегараланмаган хусусиятлар мавжуд. Чегараланмаган хусусият (1,3,4) субъектнинг тик ёки вертикал ҳолатда бўлиш маъноси билан

боғлиқ бўлса, чегараланган хусусият (2) субъектнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши ва бирор ҳолатга келиш (5) маънолари юзага келади. Мазкур феълнинг иккала хусусиятга эга эканлиги борасида И.П. Иванова ҳам айтиб ўтган [22, 66].

*To sit* 1. To rest your weight on your bottom with your back vertical, for example on/in chair: *She sat and stared at the latter in front of her. She was sitting at her desk.* Феълнинг бу маъносида ҳаракат чегараланмаган; 2. To put smb in a sitting position: *He lifted the child and sat her on the wall.* Мазкур ҳолда *to sit* феъли каузатив маънони ифодалаб келган. Акционал нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак феъл чегараланган хусусиятга эга бўлган; 3. To be in a particular place: a large bus was sitting outside. *To sit* феълнинг ушбу маъноларида иш-ҳаракат чегараланмаган. Лекин *to sit* феъли *down* послелог билан бирикканда куйидагича маънога эга бўлади: 4 ***Sit down*** to move from a standing position to a sitting position: *They sit down to consider the problem* [86, 1427]. Бу бирикмада иш-ҳаракат бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни ифодалаб, чегараланганликни ифодалайди.

Келтирилган изоҳлардан кўриниб турибдики *to sit* феълида ҳам чегараланган ҳам чегараланмаган хусусиятлар мавжуд. Чегараланмаган хусусият (1,3) субъектнинг бир ҳолатда бўлиш маъноси билан боғлиқ бўлса, чегараланган хусусият (2,4) бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши маъносида юзага келади.

Икки акционал хусусиятли ҳаракат феълларига *to walk, to go, to move, to swim* феълларини киритишимиз мумкин.

*To walk* 1. To move or go somewhere by putting one foot in front of the other on the ground, but without running: *He walked slowly away from her.* Субъектнинг бирор муҳитда оёқлар воситасида табиий ҳолатда югурмаган ҳолда ҳаракат қилиши. 2. To spend time walking for pleasure: *I walked across the Scotland with a friend.* Бирор жойни оёқлар воситасида босиб ўтмоқ, кўп ҳолларда ҳордиқ чиқариш мақсадида. 3. To go somewhere with sb on foot, especially in order to make sure they get there safely: *He always walked her home.*

Бирор муҳитга, жойга бирор киши билан, оёқлар воситасида йўналган ҳаракат. 4. To take an animal for a walk; to make an animal walk somewhere: *They walk their dogs every day* [86, 1713]. Каузатив маънода қўлланилиб, бирор ҳайвонни сайр қилдириш, юргизиш каби юриш-ҳаракат маънолари мавжуд.

*To walk* феъли биринчи маъносида чегараланмаган хусусиятга эга. Кейинги учта маъносида эса ҳаракатининг ички чегараси мавжуд бўлиб, чегараланган хусусиятга эга.

*To go* феълининг акционал хусусиятини мақсадида ушбу феълнинг изохли луғатларда келтирилган маъноларига эътиборимизни қаратамиз: *To go* 1. Маълум бир муҳитда субъектнинг ориентирсиз ҳаракати: *Who else going?* 2. Субъект ҳаракати тарзини англатиш: *The car went skidding off the road into a ditch.* *To go* феълининг чегараланмаганлик хусусияти келтирилган мисолларда юзага чиқишини кузатдик..

*To go* феълининг чегараланганлик хусусияти эса қуйидаги маъноларида юзага чиқади: 1. To move or travel from one place to another: *She went into her room and shut the door behind her.* 2. To leave one place in order to reach another: *They came at six and went at nine.* 3. To visit or attend a place for a particular purpose: *I have to go to hospital for an operation* [87, 461].

*To go* феълининг чегараланганлик хусусияти мазкур феълнинг бирор йўналишдаги ҳаракати (1), бирор мақсад билан ҳаракати (3), маконни тарк этиш (2) каби семантик маъноларида кўзга ташланади.

*To move* 1. To change position or make sb/sth change position in a way that can be seen, heard or felt: *The bus was already moving when I jumped onto it.* Субъектнинг муайян муҳитдаги ҳаракати. 2. To change; to change sth: *The government has not moved on this issue.* Бирор нарсани ўзгартирмоқ 3. To make progress in the way or direction mentioned: *Time is moving.* Олдинга ҳаракатланмоқ 4. To change the place where you live, have your work, etc.: *The company's moving to Scotland* [86, 999]. Яшаш жойи, иш жойи ва шу кабилар жойини бир жойдан бошқа жойга ўтиши, ўзгартириши маъноларига эга.

To swim 1. To move through water in a horizontal position using the arms and legs: a) *The boys swam across the lake.* b) *I can't swim.* 2. To move through or across water: *A shoal of fish swam past* [86, 1552].

*To swim* феълининг биринчи а) маъносида ҳаракат чегараланган маънога эга. Қолган маъноларида эса ҳаракат чегараланмаган.

Келтирилган изоҳлар ва уларнинг таҳлили *to sit, to stand* каби ҳолат феъллари ва *to walk, to go, to move, to swim* каби ҳаракат феълларининг икки акционал хусусиятли феъллар гуруҳига мансуб эканлигини кўрсатди. Ушбу феъллар ҳам чегараланган ҳам чегараланмаган маъноларга эга эканлиги билан чегараланган ва чегараланмаган хусусиятли феъллардан ажралиб туради.

### 2.3.2 Ўзбек тилида икки акционал хусусиятли феълларга доир

Икки акционал юриш-ҳаракат феъллари ўз семантикасида ҳам чегараланганлик ҳам чегараланмаганлик хусусиятларини мужассам этган бўлади. Биз ушбу бўлимда ўзбек тилидаги икки акционал хусусиятли ҳолат ва ҳаракат феълларининг баъзиларини кўриб чиқамиз.

Икки акционал хусусиятли ҳолат феълларига қуйидаги феълларни киритишимиз мумкин: *турмоқ, ўтирмоқ.*

*Турмоқ* феълининг акционал хусусиятларини аниқлаш мақсадида Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ)да келтирилган маъноларини таҳлил қилиб чиқамиз. *Турмоқ* 1. Оёқ узра тик вазияда бўлмоқ. Оёқ учида турмоқ. *Кирсам, Қўқонга кетган Қаюм понсад уч-тўрт йигити билан қушбегининг қаршисида турибди.* 2. Бирор жой-макон, вақт, ҳолатда мавжуд бўлмоқ. *Ўқ отиши нуқталарида қоровул пулемётчилар турибди.* 3. Бирор жой-маконда истиқомат қилмоқ, ҳаёт кечирмоқ; яшамоқ. *Муллажон амаким бозорга шундай яқин Гулзоробод маҳалласида турадилар.* 4. Ётган, ўтирган ва ш.к. ҳолатдан гавдасини тик ҳолатга олмоқ, қаддини тикламоқ. *Шийпонда*

*ўтирган Нодир бобосини кўриб, шошиб ўрнидан тўрди-ю, салом беришним унутди.* / ЎТИЛ, 2008; 4ж. 198/.

Турмоқ феълининг ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилган биринчи учта маъноларида чегараланмаган хусусият мавжуд. Ушбу маъноларда феъл ҳаракатининг якуний, тугалланиш ёки тугалланишга ишора маънолари мавжуд эмас. Аммо келтирилган тўртинчи изоҳда чегараланган маъно юзага келган. Бу маъно субъект ҳаракатининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш маъноси билан боғлиқ. Бадиий асардан олинган ушбу мисолга эътибор қаратамиз: *Сўфи ҳеч нарса демай ўрнидан турди. Яна даммини чиқармасдан, ичкарига томон бир-икки қадам босди.* [Чўлпон, 31]; *У кундошининг қизи билан бирга айвондан пастга тушиб, кавшини кия бошлагач, бошқа қизлар ҳам битта-битта ўринларидан турдилар* [Чўлпон, 54]. Келтирилган мисолларда турмоқ феъли чегараланган маънода келган, яни субъектнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши ифодаланган.

*Ўтирмоқ* 1. Кетни бирор жойга кўйиб, бирор жойи ишғол этиб ўринлашмоқ; чўкмоқ. Чордана куриб ўтирмоқ. Чўкка тушиб ўтирмоқ. *Бу ҳолдан аччиғланган Қаям ёнимга келиб ўтирди.* Бу мисолда чегараланган маъно ифодаланган; 2. Асосан шундай (ўтирган) ҳолда бирор жой, маконда бўлмоқ. *Саодатхон олдинги қаторга ўтирган Лолахонга қаради.* Мазкур ҳолда ўтирмоқ феъли чегараланмаган хусусиятга эга; 3. Транспорт воситасига тушмоқ, чиқмоқ; минмоқ. Самалётга ўтирмоқ. Трамвайга ўтирмоқ. *Кеча у (Абдушукур) хўжайини билан извошга ўтириб, бу ерга меҳмон бўлиб келган эди.* 4. Инмоқ, ёпишмоқ, ўрнамоқ. Китобларга чанг ўтирибди. Қиш келди-ю, новдаларга ўтирди қиров. *Иссиқ куннинг ўтли ҳароратини пасайтириб, тоғ шабадаси эсиб турар, ҳар томондан атиргул, райҳон, жамбилларнинг ёқимли ислари димоққа ўтирарди.* Ўтирмоқ феълининг бу икки маъносида ҳаракатнинг чегараланганлик ҳолатини кўришимиз мумкин; 5. Жазо муддатини ўтамоқ. Турмада ўтирмоқ. Қамоқда ўтирмоқ. Зиндонда ўтирмоқ. Шўхлиги бошига етиб, бир-икки йил ўтириб

хам чиқибди. / ЎТИЛ, 2008; 5ж. 177/. Бу изоҳда *ўтирмақ* феъли чегараланмаган хусусиятга эга.

Ўзбек тилидаги *ўтирмақ* ҳолат феъли ҳам чегараланган [1,3,4] ҳам чегараланмаган [2,5] хусусиятга эга эканлиги яққол кўзга ташланди. Инглиз тилидаги *to sit* ҳолат феълида ҳам чегараланган ҳам чегараланмаган хусусиятлар мавжудлиги аниқланди. Мазкур феълларнинг чегараланмаганлик хусусияти ички тугал чегаранинг йўқлиги орқали ифодаланган. Чегараланганлик хусусияти эса субъектнинг бир ҳолатдан бошқасига ўтиш маъносини билдирганда ифодаланиб келган. Ушбу таҳлиллардан сўнг инглиз тилидаги *to sit* ҳолат феъли ва ўзбек тилидаги *ўтирмақ* ҳолат феълларини икки акционал хусусиятли феъллар гуруҳига киритишимиз мумкин.

Ўзбек тилидаги икки акционал хусусиятли ҳаракат феълларига *бормоқ*, *юрмоқ*, *сузмоқ* феълларини киритишимиз мумкин.

*Бормоқ* феълнинг акционал хусусиятини аниқлаш мақсадида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га назар ташлаймиз.

*Бормоқ* 1. Сўзловчининг турган жойидан узоқлашмоқ, нари кетмоқ; бирор манзилдан иккинчи манзил томон ҳаракат қилмоқ, йўл олмоқ: *Эртасига у мактабга бормади.* 2. Бирор йўналишда, йўлдан нари томон ҳаракат қилмоқ, илгариламоқ: *Биз олга бораверамиз.* 3. Бирор транспорт воситаси билан нари томон юрмоқ, силжимоқ, узоқлашмоқ: Самалётда бормоқ. 4. Бирор жой, объект ёки шахс томон йўналмоқ, ўша жойда ёки шахс ҳузурида бўлмоқ: *Юсуфжон Фиёсов ўрнидан туриб, дераза ёнига борди.* 5. Давом этмоқ, қатнамоқ: Қизғин баҳс бормоқда/ ЎТИЛ, 2008; 1 ж. 316-317. Келтирилган изоҳларда *бормоқ* феълнинг (1),(3),(4) пунктларида чегараланганлик мавжуд, чунки бу ҳар бир маънода ҳаракатнинг бошланғич ёки якуний чегараси бор. Шунингдек (2), (5) изоҳларида чегараланмаганликни кузатишимиз мумкин.

Инглиз тилидаги икки акционал хусусиятли *to walk* феълига мос келиши мумкин бўлган феъл ўзбек тилида *юрмоқ* феъли ҳисобланади.

*Юрмоқ* феълнинг акционал хусусиятини таҳлил қилиш мақсадида Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ)да келтирилган маъноларини таҳлил қилиб чиқамиз.

*Юрмоқ* 1. Қадам ташлаб олға босмоқ, қадамлаб жилмоқ: *Секин юрмоқ*; 2. Маълум йўналишда ҳаракат қилмоқ, бир жойдан бошқа жойга жилмоқ, бормоқ, кетмоқ (асосан транспорт воситаси ҳақида): *Трактор бедазорга қараб юрди*. 3. Умуман бир жойда жилмоқ, силжимоқ (сузмоқ, судралмоқ ва ҳакозолар): *Ҳовузчада ўнтача балиқ юрибди. Дастурхон устида чумоли юрибди*; 4. Кезиш, айланиш, саёҳат ва ш.к. да бўлмоқ: *Шаҳарма-шаҳар юрмоқ*; 5. Шахмат, қарта, домино каби ўйинларда ўз навбатида ҳаракат қилмоқ: *Пиёдани юрмоқ*. / ЎТИЛ, 2008; 5 ж. 92-93/.

Келтирилган изоҳларнинг (1), (3), (4), маъноларида феълнинг бирор нуқтага интилганлик маъноси йўқ. Демак, ушбу ҳолларда *юрмоқ* феъли чегараланмаган акционал хусусиятга эга. Қолган (2), (5) изоҳларда феъл ҳаракатининг йўналиш нуқтаси борлиги ёки бирор йўналишга қаратилганлиги келтирилган ва чегараланганлик хусусиятига эга. *Юрмоқ* феълида иккала акционал хусусиятнинг мавжудлиги сабабли уни икки акционал хусусиятли феъллар гуруҳига киритишимиз мумкин.

Кейинги икки акционал хусусиятли ҳаракат феъли *сузмоқ* феълidir. *Сузмоқ* феъли субъект (инсон, ҳайвон, парранда, транспорт воситалари)нинг сувдаги ҳаракатини билдиради. 1. Қўл-оёқ ёки сузгичларни қимирлатиб сувда турмоқ ёки бирор йўналишда ҳаракат қилмоқ: *Чалқанча сузмоқ. Оқимга қарши сузмоқ. Балиқ сувда сузади*; 2. Сув транспорти воситаларида юрмоқ, сайр ёки сафар қилмоқ: *Қайиқда сузмоқ. Кемада сузиб, денгиздан ўтмоқ*.

Келтирилган изоҳлар шуни кўрсатадики, *сузмоқ* феълида ҳам чегараланганлик (макондаги йўналишли)/чегараланмаганлик (маълум йўналишсиз) хусусияти бор. Демак, бу феъл ҳам икки акционал хусусиятли феъллар гуруҳига тегишли.

## Иккинчи боб бўйича хулосалар

Феълларнинг акционал чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятларини аниқлаш мақсадида луғавий маънолар асос қилиб олинди. Инглиз ва ўзбек тилларидаги чегараланган хусусиятли ҳолат ва ҳаракат феъллар семантикаси қуйидагича кўриниш олди: а) чегараланган хусусиятли ҳолат феълларига инглиз тилидаги *to die, to blush* ва ўзбек тилидаги *ўлмоқ, касалланмоқ, қаримоқ, қизармоқ* феъллари киради. *To die* ва *ўлмоқ* феъллари иш-ҳаракатнинг якунига етишини билдиради, *to blush* ҳамда *касалланмоқ, қаримоқ, қизармоқ* феъллари субъектнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини билдиради. Инглиз тилида бу каби феълларга нисбатан ”change of state” яъни, “ҳолат ўзгариши” атамаси қўлланилади; б) тадқиқотимиз учун инглиз тилидаги чегараланган хусусиятли ҳаракат феълларидан *to break, to come, to reach, to enter, to leave* ва ўзбек тилидаги *синмоқ, келмоқ, кетмоқ, етмоқ, кирмоқ* феъллари олинди. Изоҳлар таҳлили шуни кўрсатдики, *to break* ва *синмоқ* феъллари ҳаракатнинг якуний нуқтага етиб тугаш маъноларига эга. Бу эса ушбу феълларнинг чегараланган хусусиятли эканлигини англатади. Ҳаракат феълларидан бўлган *to come, to reach, to enter* ва ўзбек тилидаги *келмоқ, етмоқ, кирмоқ* феъллари сўзловчи ёки бирор объект йўналишида ўша объектга етиб тугалланган, якуний пунктга етган ҳаракат семантикасига эга. *To leave* ва *кетмоқ* феълларида ҳам чегараланган хусусият мавжудлиги аниқланди. Ушбу феъллар маконни тарк этиш маъносига эга.

Инглиз тилида чегараланган хусусиятли феъллар *to lie, to be, to sleep, to stay* бўлса, ўзбек тилида *ётмоқ, ухламоқ, бўлмоқ, қолмоқ* феълларидир. Мазкур феъллар субъектнинг бирор ҳолатда бўлишини ифодалаб, чегараланмаган акционал хусусиятга эга. Инглиз тилида субъект ҳаракатининг тарзини билдирадиган феъллар *to ride, to glide, to wander, to jog, to totter, to fly* бўлса, ўзбек тилида бундай феъллар *учмоқ, сирпанмоқ, кезмоқ, дайдилоқ, тентирамоқ, изғимоқ, судралмоқ* ҳисобланади. Мазкур феъллар иккала тилда ҳам чегараланмаган феъллар гуруҳини ташкил қилади.

Чегараланган/чегараланмаган акционал хусусиятларни оладиган икки акционал хусусиятли ҳолат феълларига инглиз тилидаги *to sit, to stand* феъллари, ўзбек тилидаги *турмоқ, ўтирмоқ* феъллари киради. Икки акционал хусусиятли феъллар чегараланмаган - субъектнинг бирор ҳолатда бўлиши ҳамда чегараланган – субъектнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши маъносига эга бўлган ҳолатларда кузатилади. Икки акционал хусусиятли ҳаракат феъллари гуруҳига инглиз тилидаги *to walk, to go, to move, to swim* ва ўзбек тилидаги *бормоқ, юрмоқ, сузмоқ* феълларини киритдик. Ушбу феъллар субъектнинг макондаги мақсадсиз, йўналишсиз ҳаракати, шунингдек, бирор чегарага интилганлик маъноларини ўзларида мужассам этади. Ушбу феълларнинг чегараланмаганлиги субъектнинг макондаги ҳаракатининг ўзига хослиги, объектга йўналмаганлиги билан изоҳланса, чегараланганлиги, субъект ҳаракатининг объектга, ориентирга йўналганлиги каби маъноларининг борлигида деб изоҳлаш мумкин

### **III – боб. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛЛАРНИНГ АКЦИОНАЛ ТАДҚИҚИ**

Юқорида биз инглиз ва ўзбек тилларидаги феълларнинг акционал (чегараланганлик/чегараланмаганлик) хусусиятларини алоҳида кўриб чиққан эдик. Ушбу бобда инглиз ва ўзбек тилларидаги феълларнинг акционал хусусиятлари қиёсланиб, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари таҳлил этилади.

Қиёслаш тилшуносликда муҳим аҳамиятга эга. Тилшуносликда қиёсий методдан фойдаланмаган ҳеч бир соҳа бўлмаса керак [18, 233]. Ж.Бўронов, В.Н.Ярцева каби тилшунос олимлар тил материални тадқиқ қилишда қиёслашни универсал метод деб билишади [17, 180]. Ў.Қ. Юсупов қардош ва қардош бўлмаган тилларни қиёслаб ўрганишни “қиёсий типологик ўрганиш” ёки “қиёсий типология” деб атайди. Олим қиёсий типологияни фақат назарий эмас балки амалий аҳамиятга эга эканлигини, ва унинг тадқиқот натижалари қардош бўлмаган тилларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтади [50, 10]. В.Г.Гак ҳам шунга ўхшаш фикрни келтиради: “Тилларни қиёслаб ўрганишнинг мақсади қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини очишдир. Бу эса тилни ўрганиш ва тадқиқ этишда асос бўлиб хизмат қилади” [50, 10].

Республикамызда типологик тадқиқот борасида кўпгина ишлар қилинган. Инглиз ва ўзбек тилларидаги типологик категорияларнинг корреспонденцияси Ж. Бўроновнинг “Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси” китобида ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра типологик кўплик, род, замон, ўтимлилик/ўтимсизлик, темпораллик ва бошқа шу каби категориялар билан бир қаторда аспектуаллик категорияси ҳам шулар жумласига киритилади [17, 128]. Г.М.Хошимов “Типология сложного предложения в разносистемных языках” деб номланган докторлик диссертациясида тўқсонга яқин тилларни қиёслаб, ўнлаб тил унивесалияларини аниқлайди [46]. Типологик тадқиқот борасида қилинган

ишлардан яна бири Ғ.Қ.Мирсановнинг “Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал ва аспектуал хусусиятлари” деб номланган номзодлик диссертациясидир. У юриш-ҳаракат феълларини инглиз ва ўзбек тиллари мисолида таҳлил қилиб чиқади [31].

Ушбу бобда феълларнинг акционал хусусиятлари инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий типологик таҳлил остига олинади.

### 3.1 Инглиз ва ўзбек тилларида чегараланган хусусиятли феъллар типологияси

Биз мазкур тадқиқот ишимизда феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятларини уларнинг луғавий маъноси асосида тадқиқ этишни мақсад қилиб олган эдик. Ишнинг олдинги бобларида феълларнинг акционал хусусиятларини инглиз ва ўзбек тилларида алоҳида кўриб чиқдик. Ушбу бўлимда юқорида олинган натижаларни қиёслаб таҳлил этамиз. Таҳлил жараёнида изоҳли луғатлар (Oxford, ЎТИЛ)дан ташқари Ш.Бутаев ва А.Ирискуловлар томонидан тузилган Инглизча-ўзбекча таржима луғатидан ҳам фойдаланамиз.

Тадқиқот ишимизнинг мазкур бўлимида инглиз ва ўзбек тилларидаги *to die/ ўлмоқ* ва *to blush/қизармоқ* ҳолат феъллари ва *to break/ синмоқ*, *to come/ келмоқ*, *to reach/ етмоқ*, *to enter/кирмоқ*, *to leave/кетмоқ* каби ҳаракат феълларининг акционал хусусиятларини қиёслаб таҳлил қиламиз.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги *to die/ ўлмоқ* ва *to blush/қизармоқ* феълларининг маънолари ушбу жадвалда келтирилган (№1).

1- жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл	Ўзбек тилидаги эквиваленти	Изоҳ
	<b><i>to die</i></b>	<b><i>ўлмоқ</i></b>	Инглиз тилидаги ҳолат феъли <i>to die</i> ва унинг ўзбек тилидаги эквиваленти <i>ўлмоқ</i> феълларининг лексик маъноси бир-бирига жуда яқин. Ушбу иккала феъл иш-ҳаракатнинг тўхташини, якуний ҳолатга етишини билдириб, чегараланган хусусиятга эгадир.
1.	To stop leaving	Ҳаёти тугамоқ, яшашдан тўхтамоқ	
2.	To stop existing; to disappear	Йўқ бўлмоқ, барҳам топмоқ	
3.	To stop working (of machine)	Яроқсиз ҳолга келмоқ	

Ушбу жадвалдан кўришиб турганидек, инглиз тилидаги *to die* феълида мавжуд бўлган маъно ўзбек тилидаги *ўлмоқ* феълида ҳам бор. Фикримизнинг далили сифатида бадий асарлардан олинган мисолларни келтирамиз: *Do you call it faithful to desert me, and to leave me here to die?* (A.Dumas, 104).

*Ойимнинг ёнига қайтаман... Эрим ўлди дейман... Йиғлайман ...* (Чўлпон, 257).

Инглизча-ўзбекча луғатида *to die* феълининг фақатгина биринчи маъносини ифодаладиган “ўлмоқ”, “вафот этмоқ” каби таржимаси берилиб, ушбу феълнинг иккинчи ва учинчи маъноларини англатадиган таржима берилмаган.

Инглиз тилидаги ҳолат феъли бўлган *to blush* феълининг чегараланган хусусиятга эга эканлигини ушбу мисолда ҳам кўришимиз мумкин: *Cornelius blushed, and said, “I am but doing my duty as a Christian in helping my neighbour”* (A.Dumas, 55). Ўзбек тилида *to blush* феълига эквивалент бўлиши мумкин бўлган *қизармоқ* феълининг ҳам чегараланган хусусиятга эга эканлигини кузатамиз: *Ёш йигитнинг бу ёш ширин табассумини ой ёруғида алайна кўра олган ёш қиз қизариб тескари қаради...* (Чўлпон, 42)

Мазкур феълларнинг изоҳли луғатларда келтирилган маъноларини куйидаги жадвалда қиёслаймиз (№2). 2-жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл	Ўзбек тилидаги эквиваленти	Изоҳ
	<b><i>to blush</i></b>	<b><i>қизармоқ</i></b>	Инглиз тилидаги <i>to blush</i> ва ўзбек тилидаги <i>қизармоқ</i> феълларининг иккаласи ҳам субъектнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш маъносини билдириб, чегараланган хусусиятга эга. Лекин шунга ҳам эътибор қаратишимиз керакки, инглиз тилидаги <i>to blush</i> феълига <i>қизармоқ</i> феъли ушбу феълни кўчирма маънода (2) ишлатганимизда эквивалент бўла олади. <i>Қизармоқ</i> феълининг асосий (1) маъносига инглиз тилидаги <i>to redder</i> феъли эквивалент бўлиши мумкин. <i>To blush</i> феълининг 3-чи “хижолат бўлмоқ, уялмоқ” маъносига <i>қизармоқ</i> феъли эквивалент бўла олмайди: <i>I blushed to think of how he'd paraded himself.</i> Ушбу гапни ўзбек тилига таржима қиламиз: <i>У ўзини қандай тутганини ўйлаб хижолат бўлдим.</i>
1.	-----	Қизил тус олмоқ	
2.	To become red in the face because you are ashamed	Ножўя хатти ҳаракати, айби учун хижолат тортмоқ	
	To be ashamed or embarrassed about sth	-----	

Инглизча-ўзбекча луғатда *to blush* феълининг от сифатида ”юзнинг кизили”, ”уятдан уялиб қизариш” таржимаси берилиб, феъл сифатида таржимаси берилмаган.

Инглиз тилидаги *to break, to come, to reach, to enter, to leave* каби ҳаракат феълларининг ҳамда ўзбек тилида уларга эквивалент бўлиши мумкин бўлган *синмоқ, келмоқ, етмоқ, кирмоқ, кетмоқ* феълларининг акционал хусусиятларини қиёслаймиз (№3).

## 3-жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл	Ўзбек тилидаги эквиваленти	Изоҳ
	<b><i>to break</i></b>	<b><i>синмоқ</i></b>	<i>To break</i> ҳамда <i>синмоқ</i> феъллари ҳаракатнинг якуний нуқтага етганлигини билдириб, чегараланган хусусиятга эга. Лекин инглиз тилидаги <i>to break</i> феъли ҳам каузатив маънони (2) англата олиши билан ўзбек тилидаги <i>синмоқ</i> феълидан фарқ қилади. Бу ҳолда ўзбек тилида каузатив маънога эга бўлган <i>синдирмоқ</i> феъли <i>to break</i> феълига эквивалент бўла олади. <i>To break</i> феълининг 3-чи маъноси (қонунга зид иш қилмоқ)га <i>синмоқ</i> феъли эквивалент бўла олмайди: <i>To break the law/rules.</i> – Қонун/қоидаларни бузмоқ.
1.	To be damaged and separated into two or more parts	Парчаланмоқ, бўлақларга ажралмоқ	
2.	to damage sth and stop it from working	-----	
3.	to do sth that is against the law	-----	
4.	sustain an injury involving the fracture of bones in a part of the body	Зарб еб шикастланмоқ (гавда суяклари хақида)	

Инглизча-ўзбекча луғатда *to break* феълининг “синмоқ”, “синдирмоқ” каби таржималари берилган. *To break* феълининг учинчи маъносини ифодалайдиган таржима берилмаган.

Инглиз тилидаги *to break* ва ўзбек тилидаги *синмоқ* феълларининг чегараланган хусусиятга эга эканлиги жадвалда келтирилган қиёсий таҳлилда кўриниб турибди. Ушбу бадий асардан олинган мисолда ҳам буни кўришимиз мумкин: 1) *The brother of the Grand Pensionary was struck down with an iron bar which broke his skull* (A.Dumas, 27). 2) *After a furious strife of about a quarter of an hour, the string broke and the combatants vanished* (A.Dumas, 37). Биринчи мисолда юқорида айтиб ўтилган каузатив маъно ифодаланган. *To break* феълининг ўзбек тилида эквивалент бўлиши мумкин

бўлган *синмоқ* феълининг чегараланган хусусиятини ушбу мисолда ҳам кўришимиз мумкин: *Таёқ энди келиб, сизнинг бошингизда синди (Чўлпон, 97).*

Инглиз тилидаги яна бир чегараланган ҳаракат феъли *to come* феълидир. Ўзбек тилида ушбу феълга *келмоқ* феъли эквивалент бўла олади. Мазкур феълларнинг лексик маъноларини қиёсий таҳлил қиламиз (№4).

## 4-жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл	Ўзбек тилидаги эквиваленти	Изоҳ
	<b><i>to come</i></b>	<b><i>келмоқ</i></b>	Инглиз тилидаги <i>to come</i> феъли кўп маъноли феъл бўлгани учун, асосий маъноларни келтирдик. <i>To come</i> ва <i>келмоқ</i> феъллари сўзловчи ёки бирор объект йўналишида тугал, якуний пунктга етган ҳаракатни ифодалаб, ушбу икки феъл ҳам чегараланган акционал хусусиятга эга.
1.	To move to or towards a person or place	юриш, учиш ҳаракати ёки транспорт воситалари билан бирор томонга, жойга йўл олмоқ, йўналмоқ;	
2.	to arrive at or reach a place	Бирор жойга етмоқ	

Қуйидаги мисолни келтирамиз: *The apothecary came, and having examined his patient, said, as might be supposed, that she had caught a violent cold (J.Austen, 21).* *Келмоқ* феълининг чегараланганлик хусусиятини қуйидаги бадиий асардан олинган мисолда ҳам кўришимиз мумкин: *Салтанатхон аравани қўштириб қўйиб, ўзи Зебини айтгали келибди (Чўлпон, 35).*

Инглиз ва ўзбек тилларидаги чегараланган хусусиятли ҳаракат феълларидан яна бири *to reach* ҳамда *етмоқ* феълларидир (№5).

## 5-жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл	Ўзбек тилидаги эквиваленти	Изоҳ
	<b><i>to reach</i></b>	<b><i>етмоқ</i></b>	Инглиз тилидаги <i>to reach</i> феъли ҳамда ўзбек тилида ушбу феълга эквивалент бўлиши мумкин бўлган <i>етмоқ</i> феъли ҳам чегараланган хусусиятга эга эканлиги кузатилди. Ушбу икки феъл ҳам ҳаракатнинг объектга етиб тугалланганлигини билдириб, чегараланганлик маъносини ифодалайди. Инглиз тилидаги <i>to reach</i> феъли ифодалайдиган учта (1,2,3) маънони ўзбек тилидаги <i>етмоқ</i> феъли ҳам
1.	to arrive at the place that you have been travelling to	юриб, йўналиб маълум бир ерга, жойга, манзилга бориб олмоқ	
1.	To come to sb's attention	Жўнатилган жойидан бирор жойга бормоқ (овоза, гап)	
2.	To achieve a particular aim	Муяссар бўлмоқ, эришмоқ	

3.	To be big enough, long enough	Бўй, хажм жиҳатидан бошқасига тенг бўлмоқ	ифодалайди. Фақатгина <i>to reach</i> феъли “қўзл узатмоқ”, “чўзмоқ” маъноларини (4) ифодалаганда ўзбек тилидаги <i>етмоқ</i> феъл ушбу феълга эквивалент бўла олмайди. Масалан: <i>He reached over and turned off the light. To reach</i> феъли ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади: <i>У чироқни ўчириши учун қўлини чўзди.</i>
4.	To stretch hands towards sth in order to touch it	-----	

Инглиз тилидаги *to reach* феъли ҳамда ўзбек тилида *етмоқ* феълларининг чегараланган маъно касб этишини ушбу мисолларда ҳам кўришимиз мумкин: *Mrs. Bennet, accompanied by her two youngest girls, reached Netherfield soon after the family breakfast (J.Austen, 26).*

*Бобур бўз отни чоптириб бориб, навкарга етганда оёқларини узангидан бўшатди, қамчини тишига олди (П.Қодиров, 33).*

Инглиз тилидаги ҳаракат феълларидан бири *to enter* ва ушбу феълга эквивалент бўлиши мумкин бўлган *кирмоқ* феълларининг изоҳли луғатда келтирилган маъноларини қиёслаймиз (№5)

## 5-жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл	Ўзбек тилидаги эквиваленти	Изоҳ
	<b><i>to enter</i></b>	<b><i>кирмоқ</i></b>	<i>To enter</i> ва <i>кирмоқ</i> феъллари сўзловчи ёки бирор объектнинг тугал, якуний пунктга етган ҳаракатни ифодалайди. <i>To enter</i> ва <i>кирмоқ</i> феълларининг дастлабки икки маъноси бир бирига мос тушади. <i>Кирмоқ</i> феълнинг 3-чи маъноси <i>to enter</i> феълида мавжуд эмас. “Нарсанинг орасига тешиб ўтмоқ, сукулмоқ” каби маъноларни инглиз тилида <i>to pierce</i> феъли ифодалайди. <i>To enter</i> феъли каузатив маънони (4) ҳам ифодалаб келади: <i>Children can enter the data into the computer.</i> - <i>Болалар компьютерга маълумот кирита олишади.</i> Ушбу таржимадан кўришиб турибдики, ўзбек тилида <i>to enter</i> феълнинг каузатив маъноси <i>киритмоқ</i> феъли орқали ифодаланмоқда.
1.	To come or go into sth	юриб ёки силжиб бирор нарсанинг, ички қисмига ўтмоқ	
2.	to become a member of an institution; to start profession	Иш, хизмат, ўқишга қабул қилинмоқ	
3.	-----	нарсанинг орасига, ички қисмига ёриб, тешиб ўтмоқ, сукулмоқ	
4.	To put names, numbers, details in a list, book or computer	-----	

Инглизча-ўзбекча луғатда *to enter* феълнинг “кирмоқ”, “рўйхатга кирмоқ”, “қатнашмоқ” каби таржималари берилиб, ушбу феълнинг 4-чи

маъносини ифодалайдиган “киритмоқ” таржимаси келтирилмаган. Бадиий асарлардан олинган мисолларда ушбу феълларнинг чегараланган хусусиятга эга эканлигини кузатамиз: *As they entered the house he earnestly entreated her to name the day that was to make him the happiest of men (J.Austen, 81). Зеби бир сўз демас, саволларга жавоб бермас, ёнига кирган Энахонни ҳам танимасди (Чўлпон, 116).*

Инглиз тилидаги *to leave* ва ўзбек тилидаги *кетмоқ* феълларининг чегараланган хусусиятга эга эканлигини кўриб чиққан эдик. Қуйидаги жадвалда ушбу феълларнинг чегараланган хусусиятни ифодалаган маъноларини қиёслаймиз (№6).

## 6-жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл	Ўзбек тилидаги эквиваленти	Изоҳ
	<b><i>to leave</i></b>	<b><i>кетмоқ</i></b>	<i>To leave</i> феъли субъектнинг бирор маконни тарк этиши ва ўша тарк этиш жараёнида муҳитдаги ҳаракатнинг тугалланиш (2) маъноси ва бирор макондан бошқа манзил томон йўналганлик (1) маънолари мавжуд.
1.	to go away from a person or a place	Ўз турган жойини тарк этмоқ	Ўзбек тилидаги <i>кетмоқ</i> феълида эса маконни тарк этиш (1) ва бирор ҳаракатнинг тугаши (2) маъноси мавжуд. <i>To leave</i> феъли “ташлаб кетмоқ” маъносида (3) келганида ушбу феълга <i>кетмоқ</i> феъли эквивалент бўла олмайди. Кетмоқ феълининг 4-чи маъноси инглиз тилидаги <i>to leave</i> феъли орқали ифодаланмайди: <i>Бу ишни бажаришга кўп вақт кетади.- It takes much time to do this work. To leave</i> феълининг “бирор нарсани қолдирмоқ” (5) маъносига ўзбек тилидаги <i>қолдирмоқ</i> феъли эквивалент бўлиши мумкин. Масалан: <i>I have left my book on the bus.- Китобимни автобусда қолдирибман.</i>
2.	to stop living at a place, belonging to a group, working for an employer, etc.	Бирор машғулот, хизмат ёки вазифани тарк этмоқ	
3.	Abandon; to leave sb’s wife or husband	-----	
4.	-----	Сарф бўлмоқ, ишлатилмоқ	
5.	To go away from a place without taking sth/sb.	-----	

Инглиз тилидаги *to leave* феъли ва ўзбек тилида ушбу феълга эквивалент бўлиши мумкин бўлган *кетмоқ* феълларининг чегараланган хусусиятга эга эканлигини ушбу мисолларда ҳам кўришимиз мумкин: 1) *When they left the high road for the lane to Hunsford, every eye was in search of*

*the Parsonage, and every turning expected to bring it in view (J.Austen, 102). 2) I then left for Leyden, and the rest you know (A.Dumas, 79).*

*Қоракўзбегим улардан ажралиб қолди ва отасининг шаҳар ташқарисидаги чорбоғига кетди (П.Қодиров, 275).*

Келтирилган қиёсий таҳлиллардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инглиз тилидаги ҳолат феъллари ҳисобланган *to die, to blush* ҳамда ўзбек тилидаги *ўлмоқ, қизармоқ* феъллари бир хил акционал хусусиятга эга. Лекин, *to blush* ва *қизармоқ* феълларининг баъзи маънолари бир-биридан фарқ қилиши кузатилди. Ҳаракат феъллари гуруҳига мансуб бўлган инглиз тилидаги *to break, to come, to reach, to enter, to leave* ҳамда ўзбек тилидаги *синмоқ, келмоқ, етмоқ, кирмоқ, кетмоқ* феъллари чегараланган акционал хусусиятга эга эканлиги аниқланди. Ушбу ҳаракат феъллари англатган маъноларда ҳам баъзи фарқлар бор. Бу фарқ бир тилдаги феъл иккинчи тилда бошқа бир феъл билан ифодаланишидадир. Шундай бўлса ҳам, ушбу феълларнинг барчаси чегараланган хусусиятли ҳаракат феъллари гуруҳига мансуб.

### **3.2 Инглиз ва ўзбек тилларида чегараланмаган хусусиятли феъллар типологияси**

Ушбу бўлимда биз инглиз тилидаги *to lie, to sleep, to stay* ва ўзбек тилида ушбу феълларга эквивалент бўлиши мумкин бўлган *ётмоқ, ухламоқ, қолмоқ* каби чегараланмаган хусусиятли ҳолат феъллари ҳамда *to fly, to glide, to wander, to totter* ва *учмоқ, сирпанмоқ, дайдимок, судралмоқ* каби ҳаракат феълларининг акционал хусусиятларини уларнинг лексик маънолари ёрдамида қиёслаймиз, ушбу феъллар иштирокидаги бадий асарлардан олинган мисолларни келтираммиз.

Қуйидаги жадвалда ҳолат феъли бўлган инглиз тилидаги *to lie* ва ўзбек тилидаги *ётмоқ* феълларининг маъноларини қиёслаймиз (№7)

№	Инглиз тилидаги феъл	Ўзбек тилидаги эквиваленти	Изоҳ
	<b><i>to lie</i></b>	<b><i>ётмоқ</i></b>	
1.	to be or put yourself in a flat or horizontal position so that you are not standing or sitting	Танани ерга (каравот, тўшак ва ш.к. га) бериб чўзилмоқ, узала тушмоқ	Инглиз тилидаги <i>to lie</i> ва ўзбек тилидаги ётмоқ феълларини асосий тўртта маъноси ҳам бир-бирига мос келиб, иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг доимий, давомий эканлигини ифодалаб, чегараланган акционал хусусиятга эга бўлади. Лекин, инглиз тилидаги <i>to lie</i> феъли <i>down</i> послелогои (5) билан бирикиб келганида чегараланган иш-ҳаракатни ифодалайди. Ўзбек тилида эса <i>ётмоқ</i> феълнинг чегараланган маъно касб этишини кузатамиз: <i>У ўрнига келиб ётди. Ушбу гапда ётмоқ феъли келиб равишдоши билан бирикиб субъектнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини билдирмоқда. Аммо, бу ҳол изоҳли луғатда қайд этилмаган.</i>
2.	to be or remain in a flat position on a surface	Жойни банд қилмоқ, жойлашмоқ	
3.	to be, remain or be kept in a particular state	Сақланмоқ; турмоқ	
4.	to be located in a particular place	Жойлашмоқ	
5.	<i>Lie down</i> To be or get into a flat position		

*To lie* ҳолат феълнинг ушбу мисолдаги маъносига эътибор қаратамиз: *Fifteen or twenty tulips, torn and crushed, were lying about, some of them bent, others completely broken and already withering, the sap oozing from their bleeding bulbs (A.Dumas, 37).* Ушбу мисолдан ҳам кўриниб турибдики *to lie* феъли чегараланмаганликни ифодаламоқда. Ўзбек тилида ҳам ётмоқ феълнинг чегараланмаган хусусиятга эга эканлигини кузатамиз: *Зеби кўзларини мўлтиратиб, қўли кўксиди бедармон ётарди (Чўлпон, 119).*

Инглиз тилидаги *to sleep* ва ўзбек тилида ушбу феълга эквивалент бўлиши мумкин бўлган *ухламоқ* ҳолат феълнинг акционал хусусиятларини қиёслаймиз (№8)

8-жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл	Ўзбек тилидаги эквиваленти	Изоҳ
	<b><i>to sleep</i></b>	<b><i>ухламоқ</i></b>	<i>To sleep</i> ва <i>ухламоқ</i> феъллари

1.	to rest with your eyes closed and your mind and body not active	Уйқуга кетмоқ, ухлоқ ҳолатда бўлмоқ.	субъектнинг табиий дам олиш ҳолатини, ухлаш ҳолатини билдириб чегараланмаган хусусиятга эга. Лекин мазкур феъллар контекстда вақт кўрсаткичи таъсирида чегараланган хусусиятга эга бўлиши мумкин: <i>He slept until 6 o'clock. У соат олтигача ухлади.</i> Бу ҳолда вақт кўрсаткичлари ҳаракатнинг якуний нуқтасини ифодалаб келмоқда.
----	-----------------------------------------------------------------	--------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Мазкур феълларнинг бадиий асардан танлаб олинган мисолда чегараланмаган хусусиятни ифодалашини кузатамиз: *Mr.Hurst had therefore nothing to do, but to stretch himself on one of the sofas and go to sleep (J.Austen, 35).* *Мирвали унинг елкасига ташлаб шиш-шиш қилиб ухларди (С.Аҳмад, 25).*

Инглиз тилидаги *to stay* ва ўзбек тилидаги *қолмоқ* феълларининг чегараланганлик хусусиятини инглиз ва ўзбек тилларида уларнинг луғавий маъноларини қиёслаб таҳлил этамиз (№9).

## 9-жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл	Ўзбек тилидаги эквиваленти	Изоҳ
	<b><i>to stay</i></b>	<b><i>қолмоқ</i></b>	
1.	to continue to be in a particular place for a period of time without moving away	Бошқа жойга кетмай, бормай, кўзгалмай, ўз жойида бўлмоқ; жойини тарк этмаслик	Инглиз тилидаги <i>to stay</i> ва ўзбек тилидаги <i>қолмоқ</i> феълларининг изоҳли луғатда келтирилган маъноларини ўрганиб чиқиб, ушбу феълларнинг иккаласини ҳам чегараланмаган хусусиятли ҳолат феъллари гуруҳига киритдик. <i>To stay</i> ва <i>қолмоқ</i> феъллари субъектнинг бирор ҳолат, вазият, маконда бўлиш семантикасига эга. Ўзбек тилидаги <i>қолмоқ</i> феълнинг “Бор бўлмоқ” маъноси инглиз тилидаги <i>to stay</i> феълида мавжуд эмас. Масалан: <i>Ikki soat vaqt qoldi. It remained two hours.</i> Бу ҳолда инглиз тилида <i>to remain</i> феълени кўллаймиз.
2.	to continue to be in a particular state or situation	Бирор ҳолат, вазият, макон (жой) ва ш.к. да мавжуд бўлмоқ	
3.	to live in a place temporarily as a guest or visitor	Бирор жойда мавжуд бўлмоқ	
4.	-----	Бор, мавжуд ҳолатда бўлмоқ	

*To stay* ва *қолмоқ* феълларининг чегараланмаган хусусиятга эга эканлигини ушбу мисолларда кўришимиз мумкин: *When all this was resolved on, he returned again to his friends, who were still staying at Pemberley (J.Austen, 212).* *Уни (Толбжонни) министрлик иши билан чақиршиганда боласи билан*

Санобар ўзга юртда қолар, то келгунича элчихонага қатнаб қачон келишини суриштирарди (С.Аҳмад, 31).

Юқорида биз инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат феълларининг чегараланмаганлик хусусиятларини қиёсий тадқиқ этдик. Энди эса инглиз тилидаги *to fly*, *to glide*, *to wander*, *to totter* ва ўзбек тилида ушбу феълларга эквивалент бўлиши мумкин бўлган *учмоқ*, *сирпанмоқ*, *тентирамоқ*, *судралмоқ* каби ҳаракат феълларинининг акционал хусусиятларини қиёсий таҳлил этамиз (№10).

## 10-жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл	Ўзбек тилидаги эквиваленти	Изоҳ
I	<b><i>to fly</i></b>	<b><i>учмоқ</i></b>	Инглиз тилидаги <i>to fly</i> ва ўзбек тилидаги <i>учмоқ</i> феълларининг лексик маъносидан (1,2) кўриниб турибдики, иккала феъл ҳам субъектнинг ҳаводаги ҳаракатини билдириб, чегараланмаган хусусияга эга.
1.	to move through the air, using wings	Қанот воситасида ҳавода ҳаракатланмоқ, қанот қоқиб бирор томонга йўналмоқ	Инглиз тилидаги <i>to fly</i> феълнинг “бирор механизмни ҳавода бошқармоқ, учирмоқ” (3) маъноси каузативликни ифодалаб, чегараланган хусусиятга эга. Ўзбек тилидаги <i>учмоқ</i> феълида эса бундай хусусият йўқ. Масалан: <i>A pilot trained to fly large passenger planes.</i> <i>Учувчи катта йўловчи самолётни бошқаришни машқ қилди.</i> Ушбу таржимадан кўриниб турибдики ўзбек тилига <i>to fly</i> феъли “учирмоқ”, “бошқармоқ” тарзида таржима қилинади. Ўзбек тилида эса <i>учмоқ</i> феъли фақат чегараланмаган акционал хусусиятга эга. Инглизча-ўзбекча луғатда <i>to fly</i> феълнинг “учмоқ”, “кўтарилмоқ” каби таржималари берилган.
2.	to move through the air or space (of an aircraft or a spacecraft)	Махсус механизмлар, аппаратлар ёрдамида ҳавода бир томонга йўналмоқ	
3.	To control an aircraft, etc. in the air.	-----	
II	<b><i>to glide</i></b>	<b><i>сирпанмоқ</i></b>	Инглиз тилидаги <i>to glide</i> ва ўзбек тилидаги <i>сирпанмоқ</i> феъллари субъектнинг макондаги мақсадсиз ҳаракатини билдириб, чегараланмаган хусусиятга эга.
1.	to move smoothly quietly especially as so it takes no effort	Силлик юза, сирт устида монесиз, тўсиқсиз сирғанмоқ, тойғанмоқ	

III	<i>to wander</i>	<i>тентирамоқ</i>	Инглиз тилидаги <i>to wander</i> ва ўзбек тилидаги <i>тентирамоқ</i> феъллари субъектнинг макондаги узоқ, давомли ҳаракатини билдиради ва чегараланмаган акционал хусусиятни ифодалайди.
1.	to walk slowly around or to a place without any particular sense of purpose or direction	Аниқ бир мақсадсиз кезиб юрмоқ, бекорга санқиб, вақт ўтказмоқ, кезмоқ	
IV	<i>to totter</i>	<i>судралмоқ</i>	Инглиз тилидаги <i>to totter</i> ва ўзбек тилидаги <i>судралмоқ</i> феъллари субъектнинг ҳаракат усулини англатади. Ушбу ҳаракат феълларининг иккаласи ҳам чегараланмаган акционал хусусиятга эгадир.
1.	to walk or move with weak unsteady steps, especially because you are drunk or ill/sick	Имиллаб юрмоқ, секин бормоқ; имиллаб юриб ёки сусткашлик қилиб, кейинда қолмоқ	

Жадвалда келтирилган феълларнинг чегараланган акционал хусусиятга эга эканлигини қуйидаги мисолларда ҳам кузатамиз:

I. *To fly* ва *учмоқ* феъллари иштирокидаги мисолни келтираемиз: *At the head of the first group, man was flying rather than running, his face hideously distorted with satanic glee: this man was the surgeon Tyckelaer (A.Dumas, 18).* Чўққилар устида бургут сокин учарди (С.Аҳмад, 57).

II. Инглиз тилидаги *to glide* феъли ҳамда унга эквивалент бўлган *сирпанмоқ* феълларининг маъноларига эътибор қаратамиз: *And Boxel let himself out by the window, glided down the ladder, carried it back to the place whence he had taken it, and, like a beast of prey, returned growling to his house (A.Dumas, 93).* Болалар қиш кунлари тепадан чанада сирпаниб тушгандек настга қараб югуриб кетишди (С.Аҳмад, 107).

III. Чегараланмаган хусусиятли ҳаракат феълларидан бири инглиз тилидаги *to wander* ва ўзбек тилида ушбу феълга эквивалент бўлиши мумкин бўлган *тентирамоқ* феълларидир. Қуйидаги мисолларда бу феълларнинг англатган чегараланган маъносига эътибор қаратамиз: *After wandering along the lane for two hours, she entered the house with the wish of appearing cheerful as usual, and the resolution of repressing such reflections as must make her unfit for conversation (J.Austen, 138).* Юргандир, тентираб. Келади. Оч қолиб, силласи қуриб қайтиб келади (С.Аҳмад, 19). Ушбу мисоллардан кўриниб

турибдики, *to wander* ҳамда *тентирамоқ* феълларининг иккаласи чегараланмаган хусусиятга эга.

IV. *To totter* ва ўзбек тилида ушбу феълга эквивалент бўлиши мумкин бўлган *судралмоқ* феълларининг чегараланмаган хусусиятни ифодалашини ушбу мисолларда ҳам кузатамиз: *Cornelius was tottering feebly* (A.Dumas, 74). *Боя қандай азоб билан дераза-туйнукдан судралиб таиқарига бои суққан бўлса, яна ўшандай судралиб туйнук охирига етди* (С.Аҳмад, 90).

Инглиз ва ўзбек тилларидаги чегараланмаган хусусиятли ҳолат ва ҳаракат феълларни қиёсий таҳлил этиб, шуни айтишимиз мумкинки, таҳлил остига олинган феълларнинг барчаси чегараланмаган акционал хусусиятга эга. Лекин уларнинг англатган лексик маъноларида баъзи фарқлар бўлиб, бу инглиз тилидаги баъзи феълларнинг каузатив маънони ифодалаб, чегараланган маънони англатишида кузатилади.

### 3.3 Инглиз ва ўзбек тилларида икки акционал хусусиятли феъллар типологияси

Юқорида биз инглиз тилидаги *to stand, to sit* ва ўзбек тилидаги *турмоқ, ўтирмоқ* ҳолат феълларини, *to walk, to go, to swim* ҳамда *юрмоқ, бормоқ, сузмоқ* каби ҳаракат феълларини икки акционал хусусиятли феъллар гуруҳига киритган эдик. Ушбу бўлимда биз инглиз ва ўзбек тилларидаги икки акционал хусусиятли феълларнинг чегараланган/чегараланмаган хусусиятларни ифодалашини қиёсий тадқиқ этиб, улардаги ўхшаш ва фарқли томонларини таҳлил этамиз. Икки тилдаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг бадий асарлардан олинган гапларда ҳам чегараланган маъно ҳамда чегараланмаган маънони ифодалаган ҳолатларини келтирамиз (№11)

№	Инглиз тилидаги феъл		Ўзбек тилидаги эквиваленти		Изоҳ
	<i>to stand</i>		<i>турмоқ</i>		
	чегараланган	Чегараланмаган	чегараланган	Чегараланмаган	<i>To stand</i> ва <i>турмоқ</i> феълларининг чегараланмаган хусусияти (1,3) субъектнинг тик ёки вертикал ҳолатда бўлиш маъноси билан боғлиқ бўлса, чегараланган хусусияти (2) субъектнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши билан боғлиқ. Инглиз тилидаги чегараланганлик <i>up</i> послелогои ва бусиз ҳам ифодаланади. Ўзбек тилида эса <i>турмоқ</i> феъли <i>ўрнидан</i> , <i>жойидан</i> сўзлари билан келганда чегараланганликни ифодалайди. <i>To stand</i> феъли бирор ҳолатга келиш (4) маъносида қўлланилганда ҳам чегараланганликни ифодалайди. Бундан ташқари <i>to stand</i> феъли каузатив маънони (5) ҳам ифодалаб, чегараланганликни билдиради ва шу хусусияти билан ўзбек тилидаги <i>турмоқ</i> феълидан фарқ қилади.
1.		to be on your feet		Оёқ узра тик вазиятда бўлмоқ	
2.	<i>Stand (up)</i> to get up into your feet from another position		ётган, ўтирган ва ш.к. ҳолатдан гавдасини тик ҳолатга олмоқ		
3.		be in a certain position or situation		Бирор жой-макон, вақт, ҳолатда мавжуд бўлмоқ	
4.	assume a stationary position; stop moving		-----	-----	
5.	To put sth/sb in a vertical position somewhere		-----	-----	

Инглиз тилидаги *to stand* феълининг ҳам чегараланганлик ҳам чегараланмаганлик маъноларини ифодалашини ушбу мисолларда ҳам кузатамиз: 1) *In fact, Cornelius stood immovable, looking at Rosa, yet looking at her as if he did not hear her (A.Dumas, 57).* 2) *Then suddenly Van Baerle felt gentle hands raising him, and soon stood on his feet again, although trembling a little (A.Dumas, 67).* Биринчи мисолда *to stand* феъли субъектнинг бир ҳолатда бўлиши маъносини англатиб, чегараланмаган хусусиятга эга.

Иккинчи мисолда эса субъектнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини ифодалаб, чегараланган хусусиятга эга.

Ўзбек тилида *to stand* феълига эквивалент бўлган *турмоқ* феълининг ушбу мисолларда ифодалаган акционал хусусиятларига эътибор қаратамиз: 1) *Ахсидан ўлим хабарини олиб келган Қосимбек деворга елкаси билан мажолсиз суяниб, оёқларида зўрға турибди (П.Қодиров, 387).* 2) *Ҳожжи ака ёгли қўлларини сочиққа артиб ўрнидан турди (С.Аҳмад, 41).* Биринчи мисолда *турмоқ* феъли субъектнинг вертикал ҳолатда бўлиш маъносига эга бўлиб, чегараланмаганликни ифодаламоқда. Кейинги мисолда *турмоқ* феъли субъектнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга келишини ифодалаб, чегараланган хусусиятга эга.

Инглиз тилидаги *to sit* ва ўзбек тилидаги *ўтирмақ* феълларининг акционал хусусиятларини қиёслаймиз (№12).

## 2-жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл		Ўзбек тилидаги эквиваленти		Изоҳ
	<i>to sit</i>		<i>ўтирмақ</i>		
	чегараланган	Чегараланмаган	чегараланган	Чегараланмаган	
1.		to rest your weight on your bottom with your back vertical, for example on/in chair	Кетни бирор жойга қўйиб, бирор жойи ишғол этиб ўринлашмоқ; чўкмоқ		Инглиз тилидаги <i>to sit</i> феълининг 1-чи маъноси чегараланмаган. Ўзбек тилидаги <i>ўтирмақ</i> феъли эса 1-чи маъносида чегараланган иш-ҳаракатни ифодалайди. Кўп ҳолларда <i>ўтирмақ</i> феъли <i>келиб</i> равишда ши билан бирикиб келади: <i>У ёнимга келиб ўтирди. To sit</i> феъли 2-чи маъносида каузатив маънони ифодалаб келиб ( <i>ўтирғизмоқ</i> ), чегараланган хусусиятга эга бўлган. Ўзбек тилида эса бу ҳол кузатилмайди. Мазкур феълларнинг иккиси 3-чи маънолари чегараланмаганликни ифодалайди. <i>To sit</i>
2.	to put smb in a sitting position		-----	-----	
3.		to be in a particular place		Асосан шундай ( <i>ўтирган</i> ) ҳолда бирор жой, маконда бўлмоқ	

4.	<i>Sit down</i> to move from a standing position to a sitting position		Транспорт воситасига тушмоқ, чиқмоқ; минмоқ		фёълининг 4-чи маъноси чегараланганлик хусусиятига эга, бу <i>down</i> послелого билан бирикиб келишида кузатилади. Ўзбек тилидаги ўтирмак фёълининг 4-чи маъноси ҳам чегаралангандир.
----	------------------------------------------------------------------------	--	---------------------------------------------	--	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

*To sit* фёълининг контекстда ифодалаган маъноларига эътибор қаратамиз: 1) *In this house they were received by Miss Darcy, who was sitting there with Mrs. Hurst and Miss Bingley, and the lady with whom she lived in (J.Austen, 173).* 2) *"Now I have got some news for you," said Lydia, as they sat down at the table. (J.Austen, 144).* Биринчи мисолда *to sit* фёъли чегараланмаган хусусиятга эга бўлиб, бу субъектнинг бир ҳолатда бўлиши билан боғлиқ. Иккинчи мисолда эса ушбу фёъл *down* послелого ёрдамида субъектнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишини билдириб, чегараланмаганликни ифодаламоқда.

*To sit* фёълининг ўзбек тилидаги эквиваленти *ўтирмак* фёълининг бадий асарлардан олинган мисолларда ифодалаган маъноларига эътибор қаратамиз: 1) *Толибжон нима дейишини билмай бош эгиб ўтираверди. (С.Аҳмад, 16).* 2) *Ойиша бегим азбаройи тортинганидан дастухоннинг Бобурдан энг узоқ четига ўтирди (С.Аҳмад, 147).* Ўтирмак фёъли биринчи мисолда чегараланмаганликни, иккинчи мисолда эса чегараланмаганликни ифодаламоқда.

Юқорида биз ҳолат фёъллари бўлган *to stand/ турмоқ* ва *to sit/ ўтирмак* фёълларининг акционал хусусиятларини қиёсладик. Энди эса инглиз тилидаги *to walk, to go* ҳамда ўзбек тилидаги *юрмоқ, бормоқ* ҳаракат акционал хусусиятларини уларнинг лексик маънолари ва бадий асарлардан олинган мисоллар асосида қиёсий таҳлил қиламиз (№13).

№	Инглиз тилидаги феъл		Ўзбек тилидаги эквиваленти		Изоҳ
	<i>to walk</i>		<i>юрмоқ</i>		Инглиз тилидаги <i>to walk</i> ва ўзбек тилидаги юрмоқ феъллари ҳаракатнинг чегарага интилганлик маъноси йўқлиги сабабли чегараланмаган
	чегараланган	Чегараланмаган	чегараланган	Чегараланмаган	хусусиятга эга. Кейинги маъноларда (2) эса икки феълда ҳам ҳаракатининг йўналиш нуктаси борлиги сабабли чегараланганликни ифодалайди. <i>To walk</i> феъли каузатив “бирор ҳайвонни сайр қилдириш” маъносини ифодалаганда, чегараланган хусусиятга эга бўлади. Ўзбек тилидаги <i>юрмоқ</i> феъли бундай хусусиятга эга эмас. Юрмоқ феълнинг “ўйинларда ўз навбатида ҳаракат қилмоқ” маъносида (4) эса ҳаракат бирор йўналишга қаратилиб, чегараланганлик ифодаланган. Инглиз тилидаги <i>to walk</i> феълида бундай маъно йўқ. Бу ўринда <i>to play</i> ёки <i>to lead</i> феъллари қўлланиши мумкин.
1.		to move or go somewhere by putting one foot in front of the other on the ground		қадам ташлаб олға босмоқ, қадамлаб жилмоқ	
2.	to go somewhere with sb on foot, especially in order to make sure they get there safely		маълум йўналишда ҳаракат қилмоқ, бир жойдан бошқа жойга бормоқ, кетмоқ		
3.	to take an animal for a walk; to make an animal walk somewhere		-----	-----	
4.	-----	-----	Шахмат, қарта, домино ўйинларда ўз навбатида ҳаракат қилмоқ		

*To walk* феълнинг қуйидаги мисолларда ифодалаган акционал хусусиятларига эътибор қаратамиз: 1) *You will not have to walk far, as I have my coach near the pond, behind Tilly's dragoons*" (A.Dumas, 11). 2) *Then, keeping down the agitation which was raging in his breast, Cornelius took up the rake, smoothed the ground, and, quite abashed and rueful, walked back to the door, affecting the unconcerned air of an ordinary visitor of the garden*" (A.Dumas, 103). Келтирилган биринчи мисолда *to walk* феъли чегараланмаган хусусиятга эга бўлса, иккинчи мисолда феъл ҳаракатининг ички чегараси мавжуд бўлиб, чегараланган хусусиятга эга.

Ўзбек тилида *to walk* феълига эквивалент бўлиши мумкин бўлган *юрмоқ* феълининг қуйидаги мисолларда ифодалаган маъносига эътибор қаратамиз: 1) *Аммо ўзи (Толибжон) трубкани олиб жавоб қилишга ботинмай машина атропофида юраверди (С.Аҳмад, 21)*. 2) *У ҳамма раҳбарлар билан кўришиб бўлгач, аэропорт биносига қараб юрди (С.Аҳмад, 141)*. Биринчи мисолда *юрмоқ* феълининг ички тугалланиш нуқтаси йўқ. Демак, ушбу мисолларда *юрмоқ* феъли чегараланмаган акционал хусусиятга эга. Иккинчи мисолда ушбу феъл ҳаракатининг йўналиш нуқтаси борлиги ёки бирор йўналишга қаратилганлик маъносига эга бўлиб, чегараланган хусусиятга эга.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги икки акционал хусусиятли феъллардан яна бири *to go* ва *бормоқ* феълларидир (№14).

## 14-жадвал

№	Инглиз тилидаги феъл		Ўзбек тилидаги эквиваленти		Изоҳ
	<i>to go</i>		<i>бормоқ</i>		
	чегараланган	Чегараланмаган	чегараланган	Чегараланмаган	
1.	to move or travel from one place to another		сўзловчининг турган жойидан узоклашмоқ; бирор манзилдан иккинчи манзил томон ҳаракат қилмоқ		Инглиз тилидаги <i>to go</i> ва ўзбек тилидаги <i>бормоқ</i> феълларининг чегараланганлик хусусияти мазкур феълларнинг бирор йўналишдаги ҳаракати (1), маконни тарк этиш (3) каби семантик маъноларида кўзга ташланади. Инглиз тилидаги <i>to go</i> феълининг чегараланмаганлик хусусияти эса субъект ҳаракати тарзини англатишида (2) юзага чиқади. <i>Бормоқ</i> феълининг 2-чи ва 4-чи маъноларида чегарага интилиш семантикаси йўқлиги сабабли чегараланмаган акционал хусусиятни ифодалайди. Бу каби маъно инглиз тилидаги <i>to go</i> феълида мавжуд эмас.
2.		to move in a particular way or while doing sth else.		Бирор йўналишда, йўлдан нари томон ҳаракат қилмоқ, илгариламоқ	
3.	to leave one place in order to reach another		Бирор жой, объект ёки шахс томон йўналмоқ		
4.	-----	-----		Давом этмоқ, катнамоқ	

*To go* феълининг ушбу мисолларда англатган маъносини таҳлил қиламиз: 1) *Lydia's intention of walking to Meryton was not forgotten; every sister except Mary agreed to go with her (J.Austen, 46)*. 2) *Lady Catherine observed, after dinner, that Miss Bennet seemed out of spirits, and she did not like to go home again so soon (J.Austen, 138)*. Биринчи мисолда *to go* феъли субъект ҳаракати тарзини англатиб, чегараланмаган хусусиятга эга. Иккинчи мисолда эса, субъектнинг бирор йўналишдаги ҳаракатини ифодалаб, чегараланмаган акционал хусусиятга эга.

*Бормоқ* феълининг бадий асардан олинган маъноларига эътибор қаратамиз: *Уни қўриқлаб бораётган элик чоғли отлиқлар ҳам Бобурга мана шу қуюн ичида юргандай хира кўринарди (П.Қодиров, 145)*. Мазкур мисолда *бормоқ* феъли субъектнинг макондаги ориентирсиз ҳаракатини билдириб, чегараланмаган хусусиятга эга. *Бормоқ* феълининг ҳаракатининг бирор йўналишга қаратилганлигини ифодалаб, чегараланган хусусиятга эга бўлган мисолни келтирамиз: *У бобурнинг отаси ўрнига ҳукмдор бўлганини эшитиб, ундан ҳимоя сўраш ниятида аркка борган эди (П.Қодиров, 54)*.

Ушбу бўлимда инглиз ва ўзбек тилларидаги икки акционал хусусиятли ҳолат ва ҳаракат феълларидан бир нечтаси қиёсий таҳлил этилди. Ҳолат феълларининг чегараланганлик хусусияти ҳаракатнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши маъноси билан боғлиқ бўлса, чегараланмаганлик хусусияти субъектнинг бир ҳолатда бўлиш маъноси билан боғлиқ. Ҳаракат феълларида чегараланганлик хусусияти феъл семантикасидаги чегарага, тугал нуқтага интилишнинг мавжудлиги билан белгиланса, чегараланмаганлик макондаги мақсадсиз ҳаракат, ҳаракатнинг ички тугал нуқтаси йўқлиги билан белгиланади.

### Учинчи боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг акционал хусусиятлари қиёсий таҳлил этилди. Таҳлил натижалари шуни шурбатдики, инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат феъллари бўлган *to blush/қизармоқ* ҳамда *to die/ ўлмоқ* феъллари бир хил акционал гуруҳга мансуб бўлиб, чегараланганликни ифодалайди. Ҳаракат феъллари бўлган *to break, to come, to reach, to enter, to leave* ушбу феълларга ўзбек тилида эквивалент бўлиши мумкин бўлган *синмоқ, келмоқ, етмоқ, кирмоқ, кетмоқ* феъллари ҳам чегараланмаганликни ифодалайди. Ушбу феълларнинг чегараланган акционал хусусияти мазкур феъллар ички семантикасидаги ҳаракатнинг “якуний нуқтага етиш”, “бирор муҳитни тарк этиш” маъноларини ифодалаганлиги сабабли юзага чиқади.

Инглиз тилидаги ҳолат феъллари бўлган *to lie, to sleep, to stay* ва ўзбек тилидаги *ётмоқ, ухламоқ, қолмоқ* феълларининг маънолари орасида баъзи фарқлар бўлишига қарамасдан икки тилда ҳам чегараланмаган хусусиятга эга. Ҳаракат феъллари *to fly, to glide, to wander, to totter* ва *учмоқ, сирпанмоқ, тентирамоқ, судралмоқ* феъллари инглиз ва ўзбек тилларида ҳам чегараланмаган хусусиятга эга. Ушбу феъллардан *to fly* ва *учмоқ* феъллари маънолари орасида фарқ мавжудлиги аниқланди. Инглиз тилидаги *to fly* феъли каузатив маънони англатиб келганида чегараланганликни ҳам ифодалай олиши билан *учмоқ* феълидан фарқ қилиши кузатилди.

Икки акционал хусусиятли ҳолат феъллари гуруҳига кирувчи *to stand, to sit* ва *турмоқ, ўтирмақ* феълларининг чегараланмаганлик хусусияти ушбу феълларнинг субъектнинг “бир ҳолатда чегарасиз бўлиш” маъноси билан боғлиқ бўлса, чегараланганлик хусусияти субъектнинг “бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш” маъноси билан боғлиқ. Инглиз тилидаги ҳаракат феъллари бўлган *to walk, to go* ҳамда ўзбек тилида ушбу феълларга эквивалент бўлиши мумкин бўлган *юрмоқ, бормоқ* феълларининг акционал хусусиятлари қиёсланди. *To walk* феъли субъектнинг “бирор муҳитда табиий

ҳолатда ҳаракат қилиши” маъносини ифодалаганда чегараланмаган хусусиятга эга бўлади. Ушбу феълнинг чегараланганлик хусусияти бирор субъектнинг муҳитга, жойга оёқлар воситасида йўналган ҳаракати, каузатив маънода англатиши билан боғлиқ. *To go* феълининг семантикасида ҳам иккала қарама-қарши белгилар (чегараланганлик/чегараланмаганлик) мавжуд. Ўзбек тилидаги *юрмоқ*, *бормоқ* чегарага интилиш, йўналиш нуктаси маълум бўлган иш-ҳаракатни ифодалаб келганда чегараланган хусусиятга эга. Ушбу феъллар семантикасида соф ҳаракат оқимини ифодалаши ва якуний пунктга интилганлик маъноларининг йўқлиги сабабли ҳам чегараланмаган акционал хусусиятни ифодалайди.

## ХУЛОСА

Акционаллик грамматик категория сифатида феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик маънолари билан боғлиқдир. Ишда инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг акционал хусусиятлари (чегараланганлик/чегараланмаганлик) уларнинг лексик маънолари асосида ёритилди. Бу каби ёндашув қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тилларининг феъл семантикасидаги турли маъноларни аниқлашда ҳамда таққослашда муҳим ўрин тутди.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг чегараланганлик/чегараланмаганлик ҳамда икки акционал хусусиятли феълларнинг семантик маънолари аниқланиб, улар қиёсий таҳлил этилди. Натижада қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат, ҳаракат феълларининг ўхшаш ёки ноўхшаш жиҳатлари аниқланди.

Ҳолат ва ҳаракат феълларининг инглиз ва ўзбек тилларидаги акционал хусусиятлари учта (чегараланган, чегараланмаган, икки акционал хусусиятли) гуруҳларга ажратилиб, ушбу акционал хусусиятларни ифодаладиган лексик маънолари қиёсий таҳлил этилди. Ушбу семантик таҳлил натижасида ҳар иккала тилдаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг чегараланганлик/чегараланмаганлик маънолари тадқиқ этилди ва қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феъллари ўз семантикасида чегараланганлик/чегараланмаганлик маъноларига эга бўлиб, бу икки тилдаги изоҳли луғатларда ҳам ўз аксини топган.

2. Инглиз ва ўзбек тилидаги ҳолат феъллари рус тилидан фарқли равишда чегараланган хусусиятга ҳам эга. Бу ушбу феълларда бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш маъноси мавжудлиги билан изоҳланади.

3. Инглиз тилидаги битта феъл ўзбек тилида барча ҳолларда фақатгина бир феъл билан ифодаланмайди. Инглиз тилидаги феъл қайси маъносида қўлланишига қараб, ўзбек тилида бир неча эквивалент феълларга эга бўлиши

мумкин. Ўзбек тилидаги феъл ҳам инглиз тилида бир неча феъллар билан ифодаланиши ҳолатларига эга. Масалан, ўзбек тилидаги *қизармоқ* ҳолат феълнинг инглиз тилида иккита *to blush* ва *to redden*, ҳаракат феъллари бўлган *кирмоқ* феълнинг *to enter* ва *to pierce* ҳамда *қолмоқ* феълнинг *to stay* ва *to remain* каби эквивалентлари мавжуд. Инглиз тилидаги *to reach* феъли ўзбек тилида *етмоқ*, *қўл узатмоқ*, *to leave* феъли эса *кетмоқ*, *қолдирмоқ*, *ташлаб кетмоқ* каби эквивалентларининг борлиги ҳам бунга мисол бўла олади.

4. Инглиз тилидаги баъзи феъллар каузатив маънони англатиб чегараланган хусусиятга эга бўлади. Инглиз тилидаги *to break* феъли ўзбек тилида *синмоқ* ва *синдирмоқ* феъллари, *to fly* феъли *учмоқ* ва *учирмоқ* феъллари билан ифодаланади. Инглиз тилидаги феъли *to fly* чегараланмаганликни ифодалайди, лекин каузатив маънода ушбу феъл чегаралангандир. Ўзбек тилида эса *учмоқ* феъли чегараланмаган акционал хусусиятга эга.

5. Инглиз тилидаги икки акционал хусусиятли ҳолат феъли бўлган *to stand* феълнинг чегараланганлик хусусияти кўп ҳолларда *up* послелогини билан бирикиб келганда ва каузатив маънони ифодалаб келганда кузатилади. Ўзбек тилида ушбу феълнинг эквиваленти бўлган *турмоқ* феъли *ўрнидан*, *жойидан* равишлари билан келганда чегараланганликни ифодалайди. Инглиз тилидаги *to sit* феълнинг чегараланганлик хусусияти мазкур феълнинг *down* послелогини билан келиши ва каузатив маънони ифодалашини билан изоҳланади. Ўзбек тилида эса *ўтирмоқ* феъли кўп ҳолларда *келиб* равишдоши билан бирикиб келганда чегараланган хусусиятга эга бўлади.

6. Икки акционал хусусиятли ҳаракат феъллари гуруҳига мансуб бўлган *to walk* феъли каузатив – “бирор ҳайвонни сайр қилдириш” маъносида келганида чегараланганликни ифодалайди. Ушбу феълнинг инглиз тилидаги эквиваленти бўлган *юрмоқ* феъли бундай маънога эга эмас. Шу ўринда *юрмоқ* феъли “ўйинларда ўз навбатида ҳаракат қилмоқ” маъносида келганда чегараланган хусусиятни ифодалайди. Инглиз тилидаги эса бу маънода *to walk* феъли эмас, балки *to play* ёки *to lead* феъллари қўлланилади.

7. Инглиз тилидаги *to glide, to wander, to totter* ва ўзбек тилида ушбу феълларга эквивалент бўлиши мумкин бўлган *сирпанмоқ, тентирамоқ, судралмоқ* феъллари субъектнинг макондаги мақсадсиз ҳаракати ва ҳаракат усулини билдириб, икки тилда ҳам чегараланмаган акционал хусусиятга эга.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг лексик потенциали таҳлили шуни кўрсатадики, улар ҳар иккала тилда ҳам учта акционал семантик гуруҳга ажратилади. Икки тилдаги феълларнинг лексик маънолари бир-бирига яқин бўлса ҳам, улар орасида баъзи фарқлар ҳам бор.

Ушбу ишда инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳолат ва ҳаракат феълларининг акционал хусусиятлари қиёсий тадқиқоти илк бор кузатилди. Бу тадқиқот орқали инглиз тили феъл семантикасидаги янги қирраларни очишга кўмаклашса, ўзбек тили етакчи феъллар ўртасидаги боғланишни маълум бир тизимга солиш имконини яратиши мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ. – Т.: Шарқ, 1998. – 312 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998, – 25 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзланган нутқ. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 370 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997, 150-б.]
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 684 б.
6. Абдуазизов А.А. Тилшуносликка кириш. 2-қисм. Лексикология ва семасиология. Грамматика. – Т., 1999. – 57 б.
7. Авилова Н.С Вид глагола и семантика глагольного слова. – М.: Наука, 1976. – 328 с.
8. Агрель С. О способах действия польского глагола // Вопросы глагольного вида. – М.: Наука, 1962. – С. 35-38.
9. Аристотель. История лингвистических учений. Древний мир. – Л.: Наука, 1980. – 257 с.
10. Бакиров П.У. Номинацентрические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, узбекского и казахского языков): Автореф. дисс... док. филолог. наук. – Ташкент, 2007. – 53 с.
11. Балин Б.М. Немецкий аспектологический контекст в сопоставлении с английским. – Калинин.: КГУ, 1969. – 432 с.
12. Бондарко А. В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии. – Л.: Наука, 1983. – 208 с.
13. Бондарко А.В. Вид и время русского глагола. – М.: Наука, 1971. – 239 с.

14. Бондарко А. В. Лимитативность как функционально-семантическое поле // Теория функциональной грамматики. Введение. Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис. – Л.: Наука, 1987. – С. 46-67.
15. Булыгина Т.В. К построению типологии предикатов в русском языке // Семантические типы предикатов. – М.: Наука, 1982. – С. 7-85.
16. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – 266 с.
17. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – 284 б.
18. Виноградов. В. В. Лингвистические аспекты обучение языку. М.: МГУ, 1972. – 322 с.
19. Ганиев Ф.А. Видовая характеристика глаголов татарского языка: Проблема глагольного вида в татарском языке. – Казань: Татарское книжное издательство, 1963. – С. 377-382
20. Гузев В.Г. Очерки по теории тюркского словоизменения: Глагол. – Л.: Издательство ЛГУ, 1990. –165 с.
21. Есперсен О. Философия грамматики. – М.: Издательство: Иностранной литературы, 1958. – 404 с.
22. Иванова И. П. Вид и время в современном английском языке. – Л.: ЛГУ, 1961. – 200 с.
23. Канеко Ю., Петрухина Е.В. Аспектуальная семантика в глагольных системах русского и японского языков (сопоставительный анализ фрагментов языковой картины мира) // Вопросы языкознания. 2004 № 4. – С. 19-34.
24. Кулмаматов Д.С. Среднеазиатские дипломатические документы и их русские переводы XVII в. (Грамоты. Челобитные). –М.: МПТУ, 1994. – 109 с.
25. Ломов А.В. Очерки по русской аспектологии. – Воронеж.: ВГУ, 1977. – 140 с.
26. Маслов Ю.С. Вид и лексическое значение глагола в современном русском литературном языке // Известия АН СССР. Серия Литература и Язык, 1948. № 7.4. С. 303-316.

27. Маслов Ю. С. Очерки по аспектологии. – Л.: ЛГУ, 1984. – 263 с.
28. Маслов Ю. С. К основаниям сопоставительной аспектологии / Вопросы сопоставительной аспектологии. – Л.: ЛГУ, 1978. – С. 4-44.
29. Маслов Ю.С. Перфектность // Теория функциональной грамматики. Введение. Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис. – Л., 1987. – С. 195-209.
30. Махонина Е.В. К вопросу функционирования немецких предельных и неопредельных глаголов по временным формам // Вопросы грамматики и стилистики немецкого языка. – Калинин, 1972. – С. 59-65.
31. Мирсанов Ф.Қ. Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-харакат феълларининг акционал ва аспектуал хусусиятлари. Филол. фан. номз. дисс....автореф. – Самарқанд, 2009. – 21 б.
32. Мостовой Н.И. К общей характеристике глаголов со значением движения в английском языке // Лингвистические исследования. – Киев, 1974. – С. 153-158.
33. Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол.фан. док.дисс....автореф. –Тошкент, 2007. –46.
34. Насилов В.М. К вопросу о грамматической категории вида в тюркских языках. // Тр. Моск. Ин-та. Востоковедения. Т.4. –Москва.: Наука, 1947. – С. 35-52.
35. Насилов Д.М. К характеристике количественной аспектуальности в узбекском языке. // Сов. Тюркология. – Баку, 1985 № 1. – С. 64-70.
36. Насилов Д.М. Проблемы тюркской аспектологии: Акциональность. – Л.Наука, 1989. –208 с.
37. Павлов В.М. Темпоральные и аспектуальные признаки в семантике «временных форм» немецкого глагола и некоторые вопросы теории грамматического значения // Теория грамматического значения и аспектологические исследования. – Л.: Наука, 1984. – С. 42-70.

38. Падучева Е.В. «Накопитель эффекта» и русская аспектология // Вопросы языкознания. – М.: Издательство института общего среднего образования РАО, 2004. № 5. – С. 46-57.
39. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т.IV. Вып. 2. – М., 1977. – 406 с.
40. Ризаев Б.Х. Аспектная семантика перфектных и плюсквамперфектных форм немецкого глагола. – Самарканд, 2003. – 89 с.
41. Ризаев Б.Х. К проблеме лимитативно нейтральных глаголов современного немецкого языка. // Лингвистические исследования: Аспекты грамматического анализа. – М., 1990. – С. 131-140.
42. Ризаев Б.Х. Проблемы немецкой аспектологии. – Ташкент: “Ўқитувчи”. 1988. – 96 с.
43. Серебренников Б.А. Категории времени и вида в финно-угорских языках пермской и волжской групп. – М.: Наука, 1960. – 300 с.
44. Татевосов С.Г. Акциональность в лексике и в грамматике. Автореф. дисс... док. филолог. наук. – Москва, 2010. – 44 с.
45. Татевосов С.Г. Акциональность: типология и теория. // Вопросы языкознания. – М.: МГУ, 2005. № 1. – С. 108-141.
46. Хашимов Г.М. Типология сложного предложения в разносистемных языках. Автореф. дисс... док. филолог. наук. – Ташкент, 2002.
47. Холодович А.А. Проблемы грамматической теории. – Л.: Наука, 1979. – 304 с.
48. Храковский В.С. Некоторые проблемы универсально-типологической характеристики аспектуальных значений // Учен.зап. Тартуского гос.ун-та, № 537. Аспектуальность и средства ее выражения. – Тарту, 1980. – С. 3-23.
49. Шукуров О.У. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси. Филол. фан. номз.дисс...автореф. – Самарқанд, 2005. – 22 б.
50. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент.: Фан, 2007. – 126 с.

51. Янда Л. Место двувидовых глаголов в модели видовых гнезд // [www.edu/depts/slavdept/lajanda](http://www.edu/depts/slavdept/lajanda).
52. Ярцева В.Н. принципы типологического исследования родственных и неродственных языков//Проблемы языкознания. – М.,1967.
53. Ўзбек тили грамматикаси. Морфология I том. –Тошкент, 1975.– 610 б.
54. Қўчқортөев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги (Ўзбек тилидаги нутқ феъллари асосида). – Тошкент, 1977. – 167 б.
55. Ғуломов А.Ғ. Феъл. – Тошкент, 1954. – 88 б.
56. Ҳожиёв А. Феъл. – Тошкент, 1973. –192 б.
57. Andersson S.-G. Aktionalität im Deutschen. Eine Untersuchung unter Vergleich mit dem russischen Aspektsystem. I. Die Kategorien Aspekt und Aktionsart im Russischen und im Deutschen. – Uppsala, 1972. – 248 p.
58. Boogaard R., Janssen T. Aspects of Language- 31. Tense and Aspect // [www.let.vu.nl./staf/thalm.janssen](http://www.let.vu.nl./staf/thalm.janssen).
59. Caudal P. Achievements vs. Accomplishments. A Computational Treatment of Atomicity, Incrementality, and Perhaps of Event Structure // [www.atala.org/doc/actes\\_taln/AC\\_0127](http://www.atala.org/doc/actes_taln/AC_0127).
60. Comrie B., Vogel P. Approaches to the Typology of Word Classes. – Berlin, 2000. xiii+514 p.
61. Dowty D. Thematic roles and argument selection. Language 67: 1991. – P 547-619.
62. Filip H. Integrating Telicity, Aspect and NP Semantics // [semanticsarchive.net/Archive/WZhZDION/filip](http://semanticsarchive.net/Archive/WZhZDION/filip).
63. Filip H. Quantification, Aspect and Lexicon // [semanticsarchive.net/Archive/jExMjc5n/quant.aspect.lexicon](http://semanticsarchive.net/Archive/jExMjc5n/quant.aspect.lexicon).
64. Filip H. Events and Maximalization: The Case of telicity and Perfectivity // [plaza.ufl.edu/hfilip](http://plaza.ufl.edu/hfilip).
65. Krifika M. The origins of telicity// Rothstein (ed). Events and grammar. – Dordrecht, 1998.

66. Krifika M. The morphological approach to aspectual composition. Paper presented at the perspectives on aspect. University of Utrecht. 2001.
67. Levin B. Aspect, Lexical Semantic Representation and Argument Expression // [www.stanford.edu/~bclevin/bls00](http://www.stanford.edu/~bclevin/bls00).
68. Levin B. The Lexical Semantics of Verbs II: Aspectual Approaches to Lexical Semantic Representation // [www.stanford.edu/~bclevin/lsa07asp](http://www.stanford.edu/~bclevin/lsa07asp).
69. Masini F., Iacobini C. Verb-particle Constructions and Prefixed Verbs in Italian: Typology, Diachrony and Semantics // [mmm.lingue.unibo.it](http://mmm.lingue.unibo.it) 2007.
70. Ryle, G. The concept of mind. London.: Hutchinson, 1949
71. Rothstein S. Verb Classes and Aspectual Classification // [www.blackwellpublishing.com/content/BPL/Rothstein](http://www.blackwellpublishing.com/content/BPL/Rothstein).
72. Quirk R., Greenbaum S., Leech G., Svartvik J. a Universal grammar of English. – Moscow, 1982. – 391p.
73. Verkuyl H.J. On the compositional nature of the aspects. Dordrecht, 1972. XII+185 p.
74. Verkuyl H.J. Aspectual classes and aspectual composition // [www.dbnl.org/tekst/verk007aspe01\\_01](http://www.dbnl.org/tekst/verk007aspe01_01).
75. Vendler Z. Linguistics in Philosophy. Cornell: Cornell University Press, 1967.
76. Vendler Z. Verbs and times // Der englische Aspekt./Ed. By A.Schopf. – Darmstadt, 1974. – P. 217-234.
77. Wible D., Ping- Yu Huang. Using learner corpora to examine L2 acquisition of tense-aspect markings // [ucrel.lancs.ac.uk/publications/CL2003/papers/wible](http://ucrel.lancs.ac.uk/publications/CL2003/papers/wible).
78. Zandvoort R.W. Is “aspect” an English grammatical category or not? // Gothenburg studies in English. –Gothenburg, 1962. № 14. – P. 1-2.

#### **Фойдаланилган луғатлар рўйхати**

79. Ахманова Д. С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, СЭ. 1969. – 608 с.
80. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 жилд. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрети, 2006 1ж. – 680 б.

81. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилд. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрети, 2006 ж. – 672 б.
82. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3 жилд.- Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрети, 2007. – 688 б.
83. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4 жилд. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрети, 2008. – 608 б.
84. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрети, 2008. – 592 б.
85. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. I, II. – Москва. «Рус тили» нашриети. 1981. – 1348 б.
86. Oxford advanced learner’s dictionary of Current English. Seventh edition. Oxford University Press. 2007. – 1780 p.
87. Longman. Longman Dictionary of Contemporary English. Т. II. – Москва «Русский язык». 1992. – 830 с.

#### **Фойдаланилган бадиий адабиётлар**

88. Alexandre Dumas. The black tulip. – Paris: Publisher Baudry, 1850. – 234 p.
90. Jane Austen. Pride and prejudice. – United Kingdom: Whitehall, 1813. – 263p.
91. Примкул Қодиров. Юлдузли тунлар (Бобур). – Тошкент: «Ўзбекистон» нашриети, 1999. – 542 б.
92. Саид Аҳмад. Жимжитлик. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат», 1989. – 319 б.
93. Чўлпон. Кеча ва кундуз. – Тошкент: «Адабиёт ва Санъат» нашриети, 1991. – 272 б